22 ЯНВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 14 (20. 881) 1991 йил 19 январь, шанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

21 январь — В. И. Ленин хотираси куни

МЎЪТАБАР ЗИЁРАТГОҲ

Бундан олтмиш етти йил муқаддам Москвадан олинган қайғули хабар бутун Туркистон ўлкаси меҳнаткашларини чуқур қайғуга солган. Октябрь инқилобининг тарихий воқеаларига раҳнамолик қилган Владимир Ильич Ленининг вафоти муносабати билан турли жойларда мотам тадбирларини ўтказишга ҳозирлик кўрила бошланган. Ўшанда Бухоро коммунистлари томонидан темирдан тайёрланган махсус гулчамбар буюк инсоннинг дафн этиладиган куни маросимга қўйилиши белгиланган эди. Ана шу гулчамбар ҳозир В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида сақланмоқда. Доҳий вафоти муносабати билан тайёрланган жуда кўп буюмлар, ёдгорликлар ҳам ана шу ерда жамулжам бўлган. Сизнинг диққатингизга ҳавола қилинаётган мана бу сурат эса яқинда ташкил этилган «Ленин хотирасига бағишланади» кўргазмасидан олинди. Бу суратда Тошкент темирйўлчилари вакилларининг Москвага боришгани, доҳий маросимларида қатнашишгани ўз ифодасини топган. Улар гулчамбарни Мавзолейга қўйишаётган пайтни номаълум суратқаш тасвирга олган. Сурат шу пайтгача «Тошкентда мотам кунлари» деган китобда сақланаётган эди.

Мўътабар даргоҳ — В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали Советлар Ватанига меҳр ва муҳаббат билан қаровчи барча зиёратчиларнинг диққатини кўп йиллардан буён жалб этмоқда. Ҳар куни бу ерга 500—600 киши марҳамат қилади. Маскан эшиклари очилгандан буён уни зиёрат қилган кишиларнинг умумий сони 10 миллионга яқинлашиб бормоқда.

А. ПУЛАТОВ.

КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари партия ва мамлакатдаги аҳволга, КПССнинг ҳозирги сиёсатига доир баъзи масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Литвадаги фожиали воқеалар муносабати билан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг баёноти қабул этилди ва у матбуотда эълон қилинди.

КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Қўмита котиблари КПСС Марказий Қўмитасининг навбатдаги Пленумига тайёргарлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Ушбу Пленумни КПСС Марказий назорат комиссияси билан биргаликда бирлашган Пленум сифатида ўтказишга қарор қилинди. Бирлашган Пленумни 1991 йил январь ойининг охири — февраль ойининг бошларида ўтказиш мўлжалланди. Унда ҳозирги пайт тўғрисидаги ахборотни, шунингдек КПСС Уставини рўйхатга олиш тўғрисидаги, КПССнинг норматив-методик ҳужжатлари ва партия ташкилотларини сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳақидаги, иттифоқдош республикалар Компартияларининг бюджети тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

КПССнинг норматив-методик ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилди. Лойиҳалар тегишли тарзда узил-кесил ишлаб чиқилгандан кейин КПСС Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссиясининг бирлашган Пленуми тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Сиёсий бюронинг шу йил январь-март ойларига мўлжалланган иш режаси қабул қилинди. Партия ишига оид айрим бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Фармонларининг бажарилиши «Совет Ўзбекистони» назоратида

1991 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармони кучга кирди. Фармон жойларда қандай амалга оширилмоқда! Мухбиримиз Фарғона вилоятининг Киров райони халқ таълими бўлими мудири Набижон МАҲСУМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

ИШ ҲАҚИГА ҚЎШИМЧА — ЯРИМ МИЛЛИОН

— Барча мактаб ўқитувчилари жамоалари, — деди Н. Маҳсумов, — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Фармонини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Районимизда 62 та ўрта мактаб бор. Бу билим ўчоқларида меҳнаткашларнинг 34680 нафар фарзанди таълим олмоқда. Бунга яраша педагогларимиз сони ҳам кўп: — улар 3 мингдан ортиқ. 8 нафар ўқитувчи «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлган. Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, ўқитувчиларимизнинг иш ҳақи 15 фоизга оширилди. 8 нафар «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» 60 сўмдан қўшимча маош ола бошлади.

Олдимизда турган вазифаларни зудлик билан амалга оширишда халқ депутатлари район Кенгаши ижроия қўмитасида иш ҳақини оширишга сарфланадиган пул маблағлари ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Бу сарф-харажат учун район бюджетидан ҳар ойда қўшимча 41 минг, бир йилга эса ярим миллион сўм пул ажратилди. Бешариқ шаҳар Кенгаши ҳамда қишлоқ Кенгашларида мактабларда ишлаётган ўқитувчилар уй-жой шароити ўрганилди. 227 нафар ўқитувчи коммунал хўжалигига қарашли уйларда истиқомат қиляпти. 73 педагог шаҳардаги давлат уйларида, 151 нафари эса жамоа ва давлат хўжаликларига тегишли уйларда яшаяпти. Корхона ва ташкилотларга тегишли уйларда яна беш ўқитувчи турибди. Янги талабларга мувофиқ давлат коммунал уйларида истиқомат қилаётган юқоридаги барча ўқитувчиларнинг уй-жойи хусусий мулк сифатида расмийлаштириб бериляпти.

Ноҳиядаги газлаштириш ва газ таъминоти идорасида ҳам Фармон ижросига оид кўп ишлар қилиняпти. Ўқитувчиларимизнинг 70 фоизи қишлоқда яшайди. Газ бормаган қишлоқларимиз бор. Аммо улар рўзғорда суюлтирилган газли баллонлардан фойдаланади. Ҳар бир баллон газга 50 фоиз кам ҳақ тўланадиган дафтарчаси юритиладиган бўлди.

Суҳбатга бўлим методисти **Г. П. Кузнецов** қўшилди. — 46-йилдан бўён халқ маорифида ишлаб келяпман. Узоқ йиллар Калинин номли мактабда директорлик қилдим. Пенсияга чиққач, халқ таълими бўлимида методистликни давом эттиряпман. Биз, ўқитувчиларга ўтган ўн йилликлар давомида муносабат ўзгармай келди. Наинки жумҳурият, балки мамлакатимиз халқ маорифи системаси бюджетдан қолдиқ принципи асосида маблағ билан таъминлаб келинарди. Жумҳурият партия ва ҳукумат раҳбарларига раҳмат!

Шундан сўнг ноҳиядаги Абу Али ибн Сино номли мактабга йўл олдик.

Р. Икромова, шаҳар кенгаши депутати: — Чорак асрдан бери мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериб келаман. Ҳафтасига 18 соат дарсим бор. Яқинда эски ўзбек ёзувидан сабоқ бера бошладим. Бунинг эвазига яна қўшимча етти соат дарс олдим. Маошим 300 сўм. Тажрибамга суяниб шуни айтаманки, бу маош билан бугунги шароитда рўзғор тебратиш мушкул. Турмуш ўртоғим қурилишда ишлайди. Маоши юз сўмдан ошади. Икки фарзандимиз бор. Ўғил-қизларимиз бўй етиб бояпти. Бирини уйлаш, иккинчисини турмушга узатиш керак. Оилам билан шаҳардаги «Октябрь 60 йиллиги» турар-жой массивида яшаяпмиз. Квартирамизни хусусий мулк тарзида ўз номимизга расмийлаштириб олдик. Кўкламда шахсий томорқа учун 8 сотих ер олгандик. Якка тартибда уй-жой қуриш кенгайиб бораётгани учун кўпчилик қатори қурилиш материалларидан қийналаётгандик. Берилган имтиёзлардан фойдаланиб, қурилиш материалларини энди навбатсиз оладиган бўлдик. Жамоамизда педагогик стажи кам бўлса-да, рўзғори катта ўқитувчилар оз эмас. Фармон ёш муаллимлардан тортиб, биз каби узоқ йил ишлаб келаётган ўқитувчиларни ўз касбига садоқатли бўлишга даъват этади. Одамлар орасида обрў-эътиборимиз ошадиган бўлди.

Ж. Раҳимова — Турмуш ўртоғим ҳам ўқитувчи, қишлоқ мактабида рус тилидан дарс беради. Ўз шахсий уйимизда турамиз. Икки фарзандимиз бор. Томорқамиз бўлмаса-да, рўзғорда газ, сув, электр қуввати, телефон бор — булар кунига ишлатиладиган нарсалар. Берилган имтиёзлардан биз ҳам фойдалана бошладик.

Суҳбатни Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

Суратда: Абу Али ибн Сино номли мактаб ўқитувчилари Раҳбарой Икромова (ўнгда) ва Мавлуда Маҳмонова.

Муаллиф олган сурат.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетида

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети жамоатчилик билан алоқа марказининг хабар қилишича, Давлат хавфсизлиги комитетида ҳайъат мажлиси бўлиб, унда республика чекистларининг ўтган йилги фаолияти якунлари кўриб чиқилди. Давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида улар қилган ишларнинг натижалари, шунингдек, чекистлар билан учрашув вақтида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов берган йўл-йўриқларни амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов шу масалалар юзасидан маърузага чиқди ва ахборот берди.

Муҳокама давомида давлат хавфсизлиги органларининг уюшган жиноятчиликка, «пинҳоний» иқтисодиётга, иқтисодий бузғунчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш зарурлигига ҳамда шу муносабат билан республиканинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа идоралари билан алоқани яхшилашга эътибор қаратилди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

«СИРЛИ ОЛАМ»

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси «Вокруг света», «Знание—сила», «Техника — молодёжи» тарзидаги илмий-оммабоп, илмий-бадиий, саргузашт ва фантастика ойномасини таъсис этиш борасида бир йил мобайнида жиддий иш олиб борди. Ниҳоят, республикамиз ёшлари ва ўсмирлари томонидан орзиқиб кутилган «Сирли олам» журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

Республика комсомоли Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров ўзининг «Оқ йўл, «Сирли олам!» мақоласида таъкидлаганидек, янги ойнома биринчидан, кенг муаллифлар жамоаси, айниқса, ёш қаламкашлар учун жиддий мактаб вазифасини ўтаса, иккинчидан ёшларга фан ва техника соҳасида чуқур билим беради. Уларнинг илмий-техника инқилоби ва унинг самаралари бўйича дунёқарашларини кенгайтиради. 70 йил мобайнида «диний-мистик» деб тамға босилиб, таъқиқлаб келинган ажойиб маънавий меросимиз — қадимий китоблар ва қўлёзмалар, яъни замонавий тилда айтганда, сеҳрли фантастик асарлар, афсона ва ривоятлар билан таништириб боради. Булар эса қайта қуриш даврида партия ва ҳукуматимиз, Ленин комсомоли олиб бораётган ёшларни маънавий тарбиялашдек катта ижтимоий-сиёсий ишнинг узвий бир қисмидир.

Янги ойноманинг дастлабки сонида «Навоийнома», «Фараз, башорат, тахмин», «Асотир — тафаккур ибтидоси», «Мўъжизалар қомуси», «Обидалар — мангу мулкимиз» каби қатор рукунлар остида қизиқ-қизиқ мақолалар, ҳикоя-ю афсоналар, таржималар чоп этилган.

Шунингдек, ойномадан СССР фазогир учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. Глазков, фантаст-адиб А. Казанцев ва бошқаларнинг қутловлари ҳам ўрин олган.

СССР Олий Кенгаши Раисининг қарори

СССР Олий Кенгашини чақириш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 1991 йил 18 февраль куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 18 январь

ТЕЛЕГРАФ САТРЛАРИ

Мамлакат Президенти, СССР Олий Кенгаши, КПСС Марказий Комитети номига ҳозир бутун Иттифоқимиздаги одамларнинг эътибори қаратилган минтақа — Болтиқбўйидан жуда кўп телеграммалар келмоқда. Одамлар юз берган вазиятдан жуда ташвишланишмоқда, барча телеграммаларда юз берган воқеалардан ачиниш ва кўйиниш, аҳволни мумкин қадар тезроқ барқарорлаштириш истаги сезилиб турибди. Телеграф қисқача сатрларининг ўзи буни яққол кўрсатяпти...

Литвадаги вазият портлайдиган даражада кескинлашди. Одамлар парламентнинг масъулиятсиз сиёсатидан норози бўлиб унинг истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар. СССР Олий Кенгашидан Литвада дарҳол президентлик идорасини жорий этиш ва халқ депутатлари III съездининг қарорларини бажариш юзасидан Президентга таъсир ўтказишни сўраймиз.

«Вильнюс» пойнқа-қурилиш бирлашмаси ишчилари.
«Спарта» пайпоқ-трикотаж фабрикаси ходимлари.
«Литторчермет» республика бирлашмаси ишчилари.
«Вильнюс» темир йўл узели ишчилари.

Литвада фожиали вазиятнинг вужудга келиши республика Олий Кенгашининг даъватлари билан боғлиқ бўлиб, бу миллий адоватнинг янги тўлқинини авж олдиришга кўмаклашади.

Республикада вазиятни барқарорлаштиришнинг бирдан-бир имконияти сифатида миллий нажот комитетини қўллаб-қувватлаймиз.

Кулешлар, Ягминаслар, Фокинлар, Колесниковлар, Клевинскенелар, Вайтрубаслар, Кленовлар оилалари.

Биз, Литва Шилуте райони коммунистлари ва аҳолининг кўпчилиги Литва миллий нажот комитетининг ҳаракатларини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Комитетнинг тузилишини биз Совет ҳокимияти ва СССР Конституциясининг, Литва ССР Конституциясининг амал қилиши қайтадан тикланиши билан, Литванинг ССР Иттифоқи таркибида ривожланиши билан боғлиқ деб биламиз.

Шилуте район партия комитетининг котиби Б. Ковецкене ва район коммунистлари.
(жами 32 киши имзо чеккан).

(«Правда» газетасининг 17 январь сонидан).

ЭҲТИРОСНИНГ ВАҚТИ ЭМАС

Литвадаги воқеалар кўпчилик қатори республикамиз аҳолиси, жумладан, мени ҳам ташвишга солмоқда.

СССР Президенти М. С. Горбачев Литвада вужудга келган можарони ҳал этишнинг бирдан-бир усули сифатида мулоқот бошлаш зарурлигини таъкидлади. Менимча, аҳволни яхшилашнинг энг мақбул йўли — мулоқотни тезроқ бошлаш, вужудга келган муаммоларни куч ишлатмасдан, фақат сиёсий усуллар билан бартараф этган маъқул.

Ҳозирги мураккаб бир шароитда воқеаларга вазминлик, босиқлик билан ёндашиш, эҳтиросларга берилмасдан ақл билан иш тутиш зарур. Бўлмаса вазият чигаллашиши, икки томонлама муҳолифлик янада кучайиши мумкин. Бу эса ўз навбатида нафақат Болтиқбўйи республикаларида, балки мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам кескинлик ўчоқларининг юзага келишига туртки бўлади, халқларни, миллатларни хавф остида қолдиради.

Тўғриси, бугунги кундаги муаммоларни қурол ишлатиш ёки иш ташлаш йўли билан ҳал қилиш мушкул. Бўш ётган дўконларимиз пештахталарини, оғир нафас олаётган иқтисодиётимизни қуруқ гап-сўзлар билан тўлдириб ҳам, яхшилаб ҳам бўлмайди. Фақат ҳалол, виждонан қилинган меҳнат туфайли ижтимоий ҳаётимизни ўнглаб олишимиз мумкин.

Шундаай экан, ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз, гапбозликка, эҳтиросларга берилмасдан жонбозлик кўрсатиб ишлашимиз керак. Ана шундагина мамлакатимизда хотиржамлик бўлади, хонадонларимиз фаровонлиги ошади.

А. АҲМЕДОВ,
Самарқанд вилоят йўлсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Пайариқ райони йўл участкаси мастери.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

НУКУС. 18 январь (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон вилоят комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоят партия ташкилотини Ўзбекистон Компартияси Уставининг 26-параграфига биноан Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти деб, вилоят комитетини эса Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитети деб номлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум С. Д. Ниетуллаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Миллатлараро муносабатлар бўлимининг мудири этиб тасдиқланиши муносабати билан уни вилоят комитетининг биринчи котиби вазифасидан озод қилди. Илгари вилоят партия комитетининг котиби бўлиб ишлаган Д. Н. Шамшетов Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов иштирок этди.

ТАШРИФ ТУГАДИ

17 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган якунловчи учрашувда Жанубий кореялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга амалий ташрифига якун ясалди. Учрашувни Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ўринбосари Б. С. Ҳамидов олиб борди.

Икки кунлик ташриф давомида меҳмонлар республика саноати тузилиши билан танишганликлари, Ўзбекистон пойтахтидаги катта корхоналар ва бирлашмаларда бўлганликлари учрашувда таъкидланди. Республикада жаҳон стандартларига жавоб берадиган моллар ишлаб чиқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш муаммолари муҳокама қилинди, умумий ёндашувлар белгилаб олинди, амалий шериклар топилди. Бундан буён улар билан режалар баённомаларини қабул қилиш ишлари олиб борилади.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, республика ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Давлат ташқи савдо ва чет мамлакатлар билан алоқалар комитетининг раиси А. Маҳмудов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎҚ ОСТИДА КЎРСАТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

ТАНИҚЛИ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТ ЛИТВАДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЎҒРИСИДА

Гап ажойиб журналист ва жасур инсон — «600 секунд» деб аталган Ленинград программасининг телешарҳчиси Александр Невзоров ҳақида бормоқда. У ўз бурчини бажариш — ҳаммамизга холис ахборот бериш учун яна ўзини оловга урди.

Шу кунларда Ленинградда чиқадиган ва марказдаги турли газеталар халқни «ҳарбий диктатура» ҳужумга ўтганлиги билан чўчитмоқда. Бунинг устига, кўпгина радикал-демократлар, хусусан Ленинград Кенгашидаги радикал-демократлар сиёсий обрў орттириш учун Литвадаги фожиали воқеалардан фойдаланиб қолаётганга ўхшайди.

Қон тўкилишига йўл қўймаслик керак эди! Бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Аммо нима учундир радикал демократларимиздан бирортаси ҳам қотилликни ким келтириб чиқарганлиги, бегуноҳ кишиларни танклар занжири остига, автоматлардан отилган ўқлар рўпарасига ким итарганлиги ҳақида лом-мим демаяпти... Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Болтиқбўйидаги аҳволни муҳокама қилиб қарор қабул қилиш учун 15 январь куни сессияга тўпланган Ленинград Советининг депутатлари ана шундай юзаки ва енгил-елпи хабарлардан руҳланган эдилар. Бу депутатларнинг энг мулойими ҳам СССР Президенти истеъфо беришини талаб қилади.

Сессия телевидение орқали кўрсатилди. Сессия тугагандан сўнг А. Невзоров беш соат давомида «Мариинск саройидан айтилган вайсашларни» кўриш ва тинглашга мажбур бўлган ленинградликларнинг сабр-тоқатига офарин айтди. Қаттиқ гапми бу? Ҳа, шундай. Невзоров шундай дейишга ҳақлимиди? Ҳа, ҳақли эди. Чунки унинг қўлида Литвадаги воқеалар тўғрисида ўз кўзи билан кўрган ахборотлар мавжуд эди. У радикал-демократик матбуот зўр бериб яшираётган маълумотларни топиб келган эди.

...Вильнюс телеминорасининг биноси. Уни 160 нафар совет десантчиси қўриқламоқда. «Демократлар» бадном қилган, ёмон отлиққа чиқарган десантчилар қўриқлаяпти. Минора ўққа тутилмоқда. Десантчиларнинг фотосуратлари шаҳарда кўпайтириб тарқатилмоқда. Суратда уларнинг кўзлари ўйилган, пешоналарига қизил юлдуз чизилган. Аскарлар ўлим жазосига маҳкум этилганлар.

Қайси айблари учун жазога маҳкум этилганлар? Қасамга содиқ қолганликлари учун. Яна, дейди Невзоров, «эфирни сақлаб қолганликлари учун, унутилмайдиган қонли шармандаликдан қутқариб қолганликлари учун ўлим жазосига маҳкум этилган. Халқнинг ғазабини қўзғатиш учун, миллий васваса туғдириш учун куну тун телевидение орқали тарғиб этишлардан қутқариб қолганлиги учун маҳкум этилганлар...».

У муросасизлик билан ачитиб гапиришга ҳақли эди. Чунки у гувоҳлардан сўраб-суриштирган, маълумотларни дастлабки манбалардан олган.

Нарх оширилишидан норози бўлиб Литва парламенти биноси олдида тўпланган одамларни жумҳуриятнинг қонуний ҳокимияти брандспойтлардан сув сочиб, тарқатиб юборганлигини биламиз. Аммо Невзоров эшиттиришига қадар одамларнинг устига қайноқ сув қуйилганлигини билмаган эдик. Бу «сиёсий олий мақсадлар» йўлидаги оддий ваҳшийликдир.

Ўша кунларда полиция академиясининг биносида ўлимга маҳкум этилган яна 42 киши—алоҳида мақсадга мўлжалланган милиция Вильнюс отряди жангчилари қуршаб олинганлигини билмаган эдик. Жумҳурият ҳокимияти улардан қасамхўрлик қилишни, СССР ва Литва ССР Конституцияларига хоинлик қилишни талаб этишди. Милиция ходимлари жангга тайёрланишди, сўнгги томчи қонлари қолгунча ўзларини ҳимоя қилишга бел боғлашди. Виждонсизлик қилишдан кўра ўлимни афзал кўришди.

Буларнинг ҳаммаси Литвада «демократия ҳалок бўлаётгани» хусусидаги бир андоза билан тайёрланган гапларга мутлақо ўхшамайди! Ҳа, бу республикада демократия ҳалок бўлди, уни ушбу муқаддас тушунчадан ўз ғаразли мақсадларида фойдаланиб келган кишилар ҳалок қилди. А. Невзоровнинг иши ишонтириб турибди: ўша машъум тунда ҳалок бўлган 13 бегуноҳ кишининг жасади Литванинг бош «демократи» В. Ландсбергис бўйнига осиғлиқ турибди.

«Ҳа, Литва граждан уруши олови шаробини охиригача ичишга қарор берди, — деб таъкидлайди ленинградлик журналист...— Кичик ва катта, ифлос ва бақироқ сиёсатчилар Литва фожиаларидан ўзларига обрў излаб васвасага тушиб қолдилар... Бу бақироқлар ва ақлдан озганларнинг бирортаси ҳам бизнинг юз минглаб руслар, украинлар, поляклари қурбон қилишга ҳақимиз йўқлигини тушунишни хоҳламайди, тушуна олмайди ҳам. Бундан кўра, армияни қоралаш, ёлғон гапириш осонроқ»...

Литва экстремистлари ва литвалик бўлмаган экстремистлар бу мард йигит — Невзоровга қандай нафрат ёғдиришларини энди тасаввур қилиш осон.

Н. ВОЛИНСКИЙ,
(«Правда» мухбири).
Ленинград шаҳри.

(«Правда» газетасининг 17 январь сонидан).

КОМИЛ ЯШИННИНГ ЮБИЛЕЙИГА

Республика халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин ўзбек совет маданияти тарихига ёрқин саҳифа қўшди. Совет даври ўзбек драматургияси, театри ва киносининг тарихи шу одамнинг ижодий фаолияти билан узвий боғлиқ. Дарвоқе, унга СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси билетини Максим Горький топширган эди. Комил Яшин 80 ёшга тўляпти.

Тошкентда ёзувчи юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитети тузилди. Бу комитетнинг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров ўтказди. Юбилярни қутлашга бағишланган тантанали кечани шу йил 25 декабрида ўтказиш белгиланган. Бунга қадар эса жумҳуриятда бу санага бағишланган тадбирлар ўтказилади. Ўзбекистон театрлари саҳналарида Комил Яшин яратган пьесалар, шу жумладан «Йўлчи юлдуз», «Гулсара», «Равшан ва Зулхумор» намойиш этилади. Давлат матбуот комитети сўз устасининг сайланма асарларини нашрга тайёрлайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан республика Ёзувчилар уюшмаси илмий конференция ва бир қанча адабий учрашувлар ўтказишни мўлжалламоқда. Жумҳурият давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитети Комил Яшин ҳақида телевизион ҳужжатли фильм суратга олишни режалаштирмоқда. Кутубхоналарда, клубларда, талабалар ва мактаб ўқувчилари ҳузурида ижодий кечалар ҳамда китобхонлар конференциялари бўлиб ўтади.

(ЎзТАГ).

■ ИНСОН ВА ҚОНУН

ИШОНЧ ВА АДОЛАТНИ ТИКЛАЙЛИК

Республика ижтимоий-иқтисодий мустақиллик йўлида. Бу ташкилот ва муассасалар ўртасидаги муносабатларда янгича ёндашувларни, тамойилларни тақозо этади. Хўш, тўла мустақиллик шароитида республикада прокурор назорати қандай амалга оширилади? Унинг турли бўғинлари ўз ишини қай тарзда қайта қуриб олади?

Жамоатчи мухбиримиз Ф. ҚИЛИЧЕВ ана шу мазмундаги саволлар билан республика прокурори Бўритош МУСТАФОЕВга мурожаат этди.

— Бўритош Мустафоевич, сиздан олдин жумҳурият прокурорлиги лавозимида анчагина кишилар ишлашди. Албатта, улар орасида «гастрол»га келганлари ҳам бор эди. Хўш, улардан сизга қандай «мерос» қолди? Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Ижобий маънодаги мерос қолди, деб айтолмайман. Буни кенг жамоатчилик, жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқароси қатори муштарийларимиз кўриб, билиб ва сезиб турганига аминман. Кейинги беш-олти йил ичида жумҳуриятимизда адолат томирига бирмунча зарба берилганлиги сир эмас. Оқибатда аҳолининг талай қисми ўртасида қонунга ва қонун посбонлари ҳисобланмиш — прокуратура, суд, милиция идоралари ва ходимларига нисбатан салбий фикр туғилишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида жиноятчиликка, ҳуқуқ-тартибот бузилишига қарши курашда кенг жамоатчилик иштироки каби кучли таянча путур етказди. Тан олиш керак, айрим фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларига ишончсизлик билдирибгина қолмай, балки бу ҳақда ҳатто жамоатчилик фикрини ҳам уйғотиш даражасига бориб етмоқдалар.

Демак, путур етган ишончни халқ олдида тиклаш биринчи даражадаги вазифадир. Ишончга эса фақат ва фақат «жароҳатланган» адолатни тиклагандагина эришиш мумкин. Адолат эса, менинг назаримда, зарбалар қисувида анча «эзилди», «пахта иши» деб бутун бошли миллат устига маломат тошлари отилди. Пахтакорлар, халқимиз бошига қандай айблар қўйилмади дейсиз. «Порахўрлик» деб маҳаллий миллат кадрлари бирваракайига қувғин қилинди. Жумҳурият раҳбарияти билан ҳисоблашмасдан (кўпинча уларнинг айримларининг фаол ёрдами билан деса ҳам бўлади) Гдлян ва Иванов кабиларнинг қилмишлари, ноҳақ «қама-қама», «суд ва тергов»лар авж олди...

Жиноятлар тиккасига ўсиб борди. Фақат ўтган йил 88155 марта жиноят содир этилганлиги қайд этилди. Сўнгги ўн йилликнинг энг юқори поғонасини эгаллаган 1989 йил жиноятчилигидан ҳам деярли тўрт фоиз баланд бу кўрсаткич. Фикрни яна давом эттираверишмумкин. Лўнда қилиб айтганда, бизга қолган нохуш «мерос» ана шу бўлди.

Сиз «гастрол»га келганлар ҳақида сўрадингиз. Тўғри, шу 6 йил ичида жумҳурият ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига жуда кўп «гастролчи»лар келиб кетди. Лекин мен бу борада, ишбоши бўлганларни ёқламасдим. Чунки уларни кимдир юбормаса, ўзларича келавермаган бўлар эдилар. Анъанаси, урф-одати, дини, ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзига хос бўлган Ўзбекистонга уларнинг юборилиши хато эди. «Ўзбекистонга борасан», деса хўп деб «югураверган»ларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ана шу муносабатдан келиб чиқиб баҳоласак, жавоби аниқ бўлади-қўяди.

Умуман, «мерос» етарли, агар уни бино деб атасак, бу бино «капитал ремонт» талаб қиладиган даражага келиб қолган...

— Мана, республика прокурори бўлиб ишлаётганингизга бир неча ой бўлди. Сиз бу лавозимда ишни нимадан бошладингиз ва дастлабки натижалардан қониқяпсизми?

— Ишни сиз айтган «мерос»ни ҳар тарафлама ва чуқур ўрганишдан бошладим. Дастлабки хулоса шу бўлдики, прокуратура органларининг институтлари, факультетлари билан алоқа боғлаб, талабалик партасиданоқ уларни соҳага тайёрлашни йўлга қўймоқдамиз. Маҳаллий миллат ёшлари орасидан қобилиятли ва ҳақиқатпарвар йигит-қизларни танлаб ўқишга юбориш, ўқиш жараёнида уларга жонкуярлик қилиш каби тадбирлар кўзда тутилмоқда. Ёш кадрларга мураббийлик қилиш, иш фаолияти ва билимини кузатиб бориш учун курслар ташкил этиш, аттестация ўтказиш ишларини жонлантирмоқдамиз. Ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида прокуратура ходимидан юксак савия ва малака талаб қилинади. Бу нарса эътиборимизда бўлади.

Асосий ишни кадрлар билан ишлашдан бошлаганлигимизни фақат кадр алмашлаш билан ўралашиб қолишибди экан, деб тушунмаслик керак. Прокуратура органлари олдида турган бир қисқа муддат ичида Тошкент шаҳрига учта прокурор келиб кетган. Ўринбосарлар ундан ҳам кўп алмашган. Самарқанддек «оғир иқлим»ли вилоятда уч марта янги прокурор тайинлашга мажбур бўлинган. Худди шундай аҳвол бошқа вилоятларда, жумҳурият аппаратида ҳам юз берган.

Дмитрий Паньков деган йигит шаҳар прокурори ўринбосарлигига тайинланиб, ёлчитиб ишламасдан ичкиликбозлик, ҳаром-хариш ишлар билан машғул бўлган. Лекин унвонлар кетма-кет келаверган. «Россия» меҳмонхонасида шармандали иш билан машғул пайтида ушлангандан сўнг, уни «кузатиб қўйиш»га тўғри келган. Теркин, Варченко, Юдин, Андронова, Михайлова, Бокармеко, Бех деганлар ҳам эл орасида прокурор ходими номига номуносиб ишлари билан танилгач, улар билан хайрлашишга мажбур бўлишган. Буларнинг сафини яна тўлдираверишмумкин. Мен бу ҳақда СССР Бош прокурори иштирокида, Иттифоқ прокуратураси коллегияси йиғилишида очиқ айтдим. Фикрим айримларга ёқмади ҳам. Лекин аллакимгадир ёқиш учун ишни қабул қилган эмасман.

Ахир, ўзингиз айтинг, қайси бир тармоқ ўзининг содиқ, билимдон, ҳалол ва жонкуяр кадрлари бўлмаса қаддини кўтара олади? Прокуратурада ҳам шундай. Кадрлар ўз ўрнида бўлиши керак. Шундан кейингина ишлаш ҳам, ижобий натижага эришишга ишонч ва интилиш ҳам бўлиши мумкин.

Бу борада анча-мунча ишларни қилиб улгурдик. Аввало, ноҳақ қувғин қилинган, қилмишига яраша ошириб юборилган жазога мубтало қилинганларга нисбатан муносабатлар қайта кўриб чиқилмоқда. Кадрларнинг ишбилармон, қўли ҳалолларини танлаб ўрнига қўйиш борасида иш олиб боряпмиз. Ёш кадрларни замон талаби даражасида ишлашга, яшашга, яратишга ўргатиш, ўқитишга жиддий эътибор беряпмиз. Ижобий тажрибани ўрганиш учун қўшни иттифоқдош жумҳуриятлар билан алоқаларни келишиб олишни мўлжаллаяпмиз. Кадрлар танлашда эса бизнинг ходимлар орқали ҳуқуқшунослик институтлари, факультетлари билан алоқа боғлаб, талабалик партасиданоқ уларни соҳага тайёрлашни йўлга қўймоқдамиз. Маҳаллий миллат ёшлари орасидан қобилиятли ва ҳақиқатпарвар йигит-қизларни танлаб ўқишга юбориш, ўқиш жараёнида уларга жонкуярлик қилиш каби тадбирлар кўзда тутилмоқда. Ёш кадрларга мураббийлик қилиш, иш фаолияти ва билимини кузатиб бориш учун курслар ташкил этиш, аттестация ўтказиш ишларини жонлантирмоқдамиз. Ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида прокуратура ходимидан юксак савия ва малака талаб қилинади. Бу нарса эътиборимизда бўлади.

Асосий ишни кадрлар билан ишлашдан бошлаганлигимизни фақат кадр алмашлаш билан ўралашиб қолишибди экан, деб тушунмаслик керак. Прокуратура органлари олдида турган бир неча ўнлаб тармоқ ва йўналишда қонунларга оғишмай амал қилишни таъминлаш борасида бир он ҳам иш бўшаштирилган эмас.

— Муштарийларимизга ўзингизни таништириб ўтолмайсизми?

— Марҳамат. Таржимаи ҳолим жуда оддий, тарихий ишлар қилган ёки мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган эмасман. 1949 йилда Хатирчи ноҳиясида, оддий қишлоқ оиласида туғилганман. Отам Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, фронтдан ногирон бўлиб қайтган. Онам 10 та фарзанд кўрганлар. Ҳаммасини ўстириб оёққа қўйдилар. «Қаҳрамон она» унвонлари бор. Ота-онам соғ-саломат, қарилик гаштини суриб ҳамқишлоқлари орасида яшашади. Қариндошларим, акаукаларим орасидан бирорта каттароқ мансабдор чиққан эмас. Халқ хўжалигининг паст-баланд тармоқларида эл қатори меҳнат қилишяпти. Иш фаолиятимни олий юридик маълумот олгач, оддий ноҳия терговчилигидан бошлаганман. Беш йил терговчилик қилдим. Сўнг ноҳия халқ суди раислигига сайландим, ноҳия прокурори этиб тайинландим. Самарқанд вилоят прокурорига биринчи ўринбосар ва Андижон вилоят прокурори вазифаларида ишладим. Сўнгги пайтда жумҳурият прокурори муовини эдим. Юк оғирлигини биламан. Лекин уддалай оламанми, ишончни оқлайманми, деб иккиланишга ҳаққим ҳам йўқ, деб ўйлайман.

— Бозор иқтисодиёти эшик қоқиб турибди. Меҳнаткашлар эртанги кунга безовталик билан назар ташламоқдалар. Бу турли нохушликлар юз беришига сабаб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, республика прокуратураси шундай шароитда ишлаш учун қандай тадбирлар белгиламоқда?

— Бутун мамлакат, жумладан жумҳуриятимиз иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши бугунги куннинг реал ҳақиқатидир. Бу нарса ўз-ўзидан, силлиқ ўтади деб бўлмайди. Жуда катта тушунмовчиликлар, қийинчиликлар бўлиши табиий. Дастлабки даврда, менинг назаримда, анча-мунча ташвишли ҳоллар бўлиши ҳам муқаррар. Бозор иқтисодиёти «учқун»лай бошлагандан буён жиноятчилик ва қонунбузарлик ҳоллари томир ота бошлагани сезилиб қолди. Чайқовчилик ўсиб кетди. Ғараз орқасидан бўладиган талончилик, ўғирлик, босқинчилик, фирибгарлик ва ҳатто рекэт деб аталадиган оғир жиноятлар, тан олиш керакки, маъмурий орган ходимларини ҳам, аҳолини ҳам кўз очиргани қўймаяпти. Хўш, биз буларга тайёрмизми? Жумҳуриятда 9 миллионга яқин кам даромадли аҳоли борлигини эътибордан четда қолдириб бўладими? Халқнинг каттагина қисми иш билан таъминланмаган. Улардан турли хил «талаб»ларни кутиш мумкин. Табиийки, улар ҳам ейиш, ҳам ичиш, кийиниш, бола-чақа боқиши керак. Шундай ҳам аҳоли эҳтиёжини қондиролмай турган товар тақчиллиги мавжуд. Бошқа бир қатор чигалликлар ҳам ечимини кутяпти.

Шундай пайтда, мен прокуратура органлари ҳар қандай ҳолга, кутилаётган ноҳушликларнинг олдини олишга тайёр деб айтсам тўғри бўлмайди, деб ўйлайман. Лекин бу хотиржам ўтириш деган гап эмас. Фақат прокуратура органларини олсак, у ўзининг 1,5 минг кишилик «армия»си билан бутун имкониятларини ишга солишга киришди. Кутилиши мумкин бўлган зарбалардан қонунни, халқни ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқдик ва таклифлар билан жами поғоналарга мурожаат этмоқдамиз. Мамлакат Президентининг «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги мурожаатномаси худди сиз кўтарган саволга жавоб эканлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ҳеч ким бугунги ҳолатдан мамнун эмас. Ҳеч ким ўз ишини ёмонлаб, ўзини ёмонлаб, ўзини ҳеч ким ҳеч нарсани ишлаб ҳам, ижобий натижага эришиб ҳам бўлмайди. Миллий муносабатларни яхшилаш йўлини мен парламентимиз чуқур ўйланган қонунлар қабул қилиб, унинг ҳимоясини, бажарилишини ўз қарамоғига олишида, кадрлар танлашида миллий ҳалолликни таъминлашда, ҳудудимизни ватан деб билган бошқа миллат вакиллари ерлик халқ анъаналари, тарихи ва маданиятини ҳурмат қилишига бўйни ёр беришида деб биламан. Ўзаро сабр-тоқат, ҳурмат доимий яхши натижа келтиради.

Мен шахсан дунёда икки миллат бор деб ҳисоблайман. Буларнинг биринчиси нопок ва нокаслар, иккинчиси ҳалол ва виждонли одамлардир. Жумҳурият халқи ҳам шу фикрга қўшилиб, иккинчи тоифа одамлар бирлашиб, биринчи тоифа «миллат»га қарши курашда қўлни қўлга беришса, аввало жамият ёмонлардан тозаланади. Низолар чиқмайди. Яратувчилик кучи янада юқори поғонага кўтарилади. Иқтисодиёт яхшиланади. Адолат ҳукмрон бўла боради. Бу борада асосий фикрим шу...

— Суҳбатингиз учун катта раҳмат. Сўнгги савол, муштарийларимизга тилагингиз борми?

— Ҳуқуқий давлат, халқ ҳокимияти ўрнатилган демократик, мустақил жумҳурият қуриб, унда тинч-тотув, ҳур ва фаровон яшамоқчимиз. Ҳаётни келажагимиз, болаларимиз бахти, кундалик қувончлар билан безалишини хоҳлаймиз. Ҳеч ким бугун қўрқув билан, эртанги кунга ишончсизлик билан яшамаслиги керак. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бу ишни на ҳукумат, на маъмурий органлар, шу жумладан прокуратура органлари ҳам яратиб бера олмайди. Бу ишни муштарийларимиз, улар орқали бутун халқ жамулжам бўлиб, енг шимарганларгина эплаш мумкин.

Ана шу йўлда дадил, онгли ва жонкуярлик билан интилишни, ҳамнафасликни тилардим. Токи келажак олдида юзимиз ёруғ бўлсин.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ҲАМДА СОВЕТ РАҲБАРИЯТИ КЎРАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгашининг Раёсати СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертнихнинг Форс кўрфазидаги вазият тўғрисида берган ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб, бу минтақадаги танг вазият фожиали тус олганлиги, аслида кенг миқёсли урушга айланиб кетаётганлиги муносабати билан чуқур таассуф билдириб, **қарор қилади:**

1. СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Форс кўрфази районидаги уруш ҳаракатлари хусусида берган баёноти ва шу муносабат билан совет раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватлансин.

2. СССР ҳукумати Совет Иттифоқининг Форс кўрфазидаги можарога нисбатан тутаётган сиёсий йўлини изчиллик билан давом эттириб, у ерда рўй бераётган воқеаларнинг ривожи ҳақида СССР Олий Кенгашига доимо ахборот бериб туриши зарур деб ҳисобласин. СССР халқ депутатларининг муҳокама давомида айтган таклифлари ва мулоҳазалари СССР Вазирлар Маҳкамасига юборилсин.

3. СССР Олий Кенгашининг халқаро ишлар комитетига мазкур масалага оид ахборотни умумлаштириб, уни СССР халқ депутатларига юбориб туриш топширилсин.

СССР Олий Кенгашининг Раёсати турли депутатлар гуруҳлари ва уюшмалари вакиллари бўлмиш СССР халқ депутатлари номидан барча мамлакатлар парламентларининг аъзоларига мурожаат этиб, уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатиш учун ўз нуфузи ва имкониятларидан фойдаланишга чақиради.

СССР Олий Кенгашининг Раёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, БМТ Бош котибига мурожаат этиб, Форс кўрфазидаги ҳарбий тангликни бартараф этишга, унинг янада кучайиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган ташаббусларни қайтадан бошлашга даъват қилади.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 17 январь.

Форс кўрфазидаги воқеалар хусусида

ИРОҚ КАТТА ТАЛАФОТЛАР БЕРДИ

ҚОҲИРА 17 январь. (ТАСС мухбири **Андрей Маляров**). Иттифоқчилар авиациясининг биринчи ҳужумидан сўнг Ироқ армиясининг жанговарлик қобилияти энг кучли бўлган сараланган қисмлари — жумҳурият гвардияси ва Саддам Ҳусайннинг шахсий соқчилик қисмлари катта талафотлар берди, деб хабар қилди Исроил радиоси Америка ҳарбий манбаларига таяниб. Осмондан қилинаётган қайта ҳужумлар давомида Ироқнинг Иордания билан чегарадош районларидаги ракета базаларига зарба берилмоқда. Ҳозирга қадар иттифоқчиларнинг бирорта ҳам самолёти шикастланмади.

Илгарироқ Исроил радиоси Ироқнинг кимёвий ва биологик қуроллари батамом йўқ қилиб юборилганини, шунингдек «Ироқнинг ядро қуроллари тугатилгани»ни хабар қилган эди.

Армия тўлқинларида эшитиришлар олиб борувчи Бағдод радиоси Саддам Ҳусайннинг Ироқ ғалаба қозонишига ишонч билдириб қилган баёнотини ҳамда унинг «ёвуз тажовузга мардона қарши туриш»га даъватини вақти-вақти билан такрорлаяпти.

Саудия Арабистонидаги Америка ҳарбий кучлари қўмондони генерал Норман Шварцкопф иттифоқчилар авиациясининг зарбалари фақат Қувайтни озод қилиш операциясининг дастлабки босқичи эканини таъкидлади. Унинг фикрича, уруш ҳали анча вақт давом этиши мумкин. Генерал МЕНА агентлигининг ва Монте-карло радиосининг Саудия Арабистони билан Қувайт чегарасидаги Хафр ал-бати яқинида иттифоқчиларнинг танк қисмлари жангга киритилгани тўғрисидаги хабарларини тасдиқламади ҳам, инкор ҳам этмади.

ВАТАНГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

Жанговар ҳаракатлар бошланиши арафасида совет фуқароларидан яна 123 киши Ироқдан Ватанга қайтишга муваффақ бўлди. Улар 17 январь куни кечаси самолётда Москвага етиб келдилар, деб хабар қилди шу куни бўлиб ўтган брифингда СССР Ташқи ишлар вазирлиги ахборот бошқармасининг бошлиғи В. И. Чуркин.

У Ироқда жуда оз совет кишилари қолишига эришилганини «совет дипломатиясининг катта ютуғи» деб атади.

Унинг айтишича, ҳозирги вақтда Бағдодда 112 нафар СССР фуқароси қолган. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун имкони бўлган ҳамма чоралар кўзда тутилган, одамлар бомбапаноҳга, бошқа мустаҳкам ер ости биноларига кириб олганлар.

Бағдоддаги элчихона билан алоқа тикланди, деди В. И. Чуркин, СССРнинг Ироқдаги элчиси В. В. Посувалюк Ироқ ташқи ишлар вазирлигининг бункерида Тариқ Азиз билан учрашганлиги ҳақида хабар олинди. Элчи Ироқ ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбарига М. С. Горбачевнинг Саддам Ҳусайнга йўллаган мактубини топширди, СССР Президентининг совет телекўрсатуви орқали берган баёнотида шу мактуб тилга олинган эди.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили ҳали текширилмаган манбаларга таяниб, Саддам Ҳусайнни одамлар Бағдод кўчаларида кўрибдилар, шаҳарликлар уни табриклаб кутиб олибди, деган гапни айтди.

В. И. Чуркин Саудия Арабистони билан Қувайт чегарасидаги воқеаларнинг ривожи ҳақида гапириб, у ерда «танклар жанги давом этмоқда» деди.

С. ЖАРКОВ,
В. ШИШЛИН,
ТАССнинг дипломатия мухбирлари.

Тезроқ бартараф этилсин

Форс кўрфази минтақасида уруш олови ёна бошлаганлиги совхозимиз ишчиларини ғоят ташвишлантирмоқда. Шу пайтгача ҳар қандай можаролар сиёсий воситалар билан ҳал этиб келинган.

Биз СССР Президентининг баёнотини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатимиз раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, урушни тезроқ тўхтатиш ва Форс кўрфазида тинчликни тиклаш учун ҳамма чора-тадбирларни кўришига ишончимиз комил.

Биз Форс кўрфазидаги воқеалар тезроқ бартараф этилишини истаймиз.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Қарши районидаги Карл Маркс номли совхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

• *Деҳқончилик саноати: иқтисодий ислоҳот йўлларида*

КЕЛАЖАКНИНГ БОШЛАНИШИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДАН ХАТЛАР

Қишлоқ ҳаётига теран назар ташланса, қийинчиликлар билан бўлса-да, ишни янгича ташкил этиш усуллари илдиз отиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ижара пудратидан кейин фермер хўжаликлари ҳам кўпая бошлади. Фермерларнинг ташвишўйлари, муаммо-тўсиқлари ҳали кўп. Шуни ҳисобга олиб, бир фермер хўжалиги фаолиятининг турли қирраларини мунтазам кузатиб боришни, фермерларнинг ўй-режалари, даромад-харажатлари, кундалик иши ва дам олишлари ҳақида ҳам ҳикоя қилишни мақсад қилиб қўйдик. Бунинг учун шундай хўжалик ҳам танлаб олинди. Бу—Гурлан ноҳияси Киров номли жамоа хўжалигидаги «Комсомол» деҳқончилик хўжалигидир.

Қатрада қуёш акс этганидек, мазкур фермер хўжалиги мисолида шу йўсинда ишлашга ўтган бошқа яна кўплаб кишилар ҳаётига монанд жиҳатларни кўриш мумкин. Мақсад ана шу жиҳатларни таҳлил этган ҳолда бошқаларга ҳам ёрдам кўрсатиш, тажрибаларини баҳам кўриш, шу соҳада ишлашга ўтаётган иштиёқмандларга янгича ишлаш усули хусусида атрофлича тасаввур беришдир. Қуйида ана шу фермер хўжалигидан ёзилган дастлабки хатни эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Тонг қишлоқ кишилари учун янги кун ташвиши, заҳмати билан ёришади. Минглаб йиллардан буён шундай. «Эрта бўлмаган — кеч бўлмас» ,«Кеч бўлмаган — ҳеч бўлмас», «Иши кечнинг—куни кеч», «Кечнинг хазинасидан — эртанинг нафбаси яхши» каби мақоллар нинг тўқилиши ҳам бекиз эмас. Қишлоқда тонгда турмасдан, ишга эрта ўрнамасдан яхши рўзғор тебратиб бўлмайди.

Шу пайтга қадар ёмон рўзғор тебратиб келмаётган Қуронбоевлар хонадонининг эрталабки ташвишлари, юмушлари кейинги пайтда янада кўпайиб кетди. Бунинг ҳаммаси оиладаги кўп йиллик турмуш тарзининг ўзгариши, аниқроғи, мол-ҳолнинг бирдан кўпайиб кетиши билан боғлиқ. Олти ой муқаддам қарамоқларида икки сигир, бир бузоқ ва икки бош қўй бор эди. Бугунги кунда уларнинг умумий бош сони етмишга етай, деб қолди.

Оила бошлиғи — Ҳожи Қуронбоевнинг кўнглида фермерликка хос ихлос уруғ сочганига анча муддат бўлди. Бу ихлосга оила пудрати, ижара туртки берди. Ҳозир бу усулларнинг ижобий жиҳатлари, натижалари ҳаммага аён, амалда исботланиб турибди. Назаримизда, агар оила пудрати, ижара ҳаётга жорий қилинмаганида фермерлик ҳақида фикр юритишга, ишлашга замин бўлиши эҳтимолдан анча нари бўларди.

Ҳожи ака олий маълумотли агроном, ноҳия партия қўмитасида ишлаган, хўжалик парткомига котиблик қилган, яна агрономлик касбига қайтган. Кейинги пайтларда шоличилик бригадасига етакчилик қилиб келяпти. Оилада ўн бир жон. Катта ўғли уйланган, невараси ҳам бор.

> Кооператив жамоа хўжалигининг келажаги бор, бундай хўжаликларда ижара, пудрат, деҳқон хўжалиги сингари меҳнатни ташкил этишнинг шакллари устун даражада ривожланади.
>
> (Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастуридан).

Иккинчи ўғли Баҳром армиядан қайтди. Ҳожи ака унинг келишини орзиқиб кутар, фермер бўлишини орзу қилар эди. Ниятлари ниятлигича қолмади, ўғли отанинг истагини бажаришга бажонидил рози бўлди. Баҳром уддабурон, мол боқишга уқуви бор, ишчан. Бунинг устига трактор ва машина ҳайдашни уддалайди. Табиийки, буларнинг ҳаммаси фермерликка асқотади.

Ўтган йили июнь ойида жамоа хўжалиги бошқаруви билан «Комсомол» фермер хўжалиги ўртасида шартнома имзоланди Унга мувофиқ, жамоа хўжалиги фермер учун ўн гектар ер ажратиб берди. Техника воситаси, бино қуриш учун материаллар билан таъминлашни, ветеринария хизмати кўрсатишни ўз зиммасига олди. Бунинг эвазига ундан кунига эллик литр сут, бу йилдан бошлаб 1,2 тонна гўшт қабул қилиб олади. Банк фермерга 20 минг сўм миқдорида қарз берадиган бўлди. У бу қарзни 1993 йилга бориб узиши керак. Шу билан бирга олган даромадидан саккиз фоизини даромад солиғига, ижтимоий таъминот фондига ўтказади. Банкда фермер учун алоҳида ҳисоб-китоб очилди, муҳр, чек дафтарчаси берилди.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, унга ишни юритиши учун тўла ҳуқуқ, имконият берилди. Қўлида буни тасдиқловчи Гурлан ноҳияси ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган қарор ҳам бор.

Фермер хўжалиги учун бутун ёз ва куз ойлари ташвиш билан ўтди. Молиячиларга зарур ҳужжатларни тўплаб беришга, улардан йигирма минг сўм қарз олишга, айниқса, кўп вақт кетди.

«Комсомол» деҳқончилик хўжалигига ерни Амударё этагидан ажратиб беришди. Шуни қайд этиш зарурки, жамоа хўжалиги бошқаруви ҳамма соҳада ўз сўзида туриб келяпти. Техника воситалари, қурилиш материаллари, озуқадан кўмак берди. Дарвоқе, Баҳромнинг ўзига тележкали трактор ҳам ажратиб берди.

Ишни бошлаб юборишгач, ота ва ўғил қарийб ҳар ҳафта бозорга тушади. Саккиз сигир, беш бузоғи билан сотиб олинди. Октябрь ойига келиб, туғилган бузоқлар ва яна сотиб олинган уч ҳўкиз ҳисобига хўжаликдаги жами қорамоллар сони 25 бошга етди. Ана шунга банкдан олинган қарзнинг кўп қисми сарфланди.

Фермерлар шу билан чекланиб қолишмади. Хом-чўт қилиб кўрилгач, фақат қорамоллар ҳисобига иқтисодий аҳволни кўтариш анча қийинлиги маълум бўлиб қолди. 1991 йилдан бошлаб давлатдан олинган қарзни тўлаш лозим. Бўлмаса, устига тушадиган фоиз миқдори туфайли у ошиб боради. Шу жиҳатларни инобатга олиб, қўй сотиб олишга қарор қилишди.

Изланган ниятига етар экан. Қуронбоевлар арзонроқ баҳога узоқдан бўлсада, Бухородан қўйларни сотиб олишди. Шу тариқа ўртача бир юз эллик сўмдан 33 бош совлиқ сотиб олинди. Жами қўйлар сони 35 бошга етди.

Шу ўринда бир фактга эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Бугунги кунда Киров номли жамоа хўжалиги ҳисобида 60 бошга яқин қўй бор. Биргина Қуронбоевларда эса 35 бош. Уларнинг ҳаммаси тез орада қўзилайди. Тахминга кўра, баҳорда фермер хўжалигининг қўйлари колхознникидан кам бўлмайди.

Қуронбоевлар фаолияти билан танишар экансан, энг аввало, уларнинг ҳар бир ишга муносабатида оқилона тежамкорликка амал қилишга интилаётганлиги диққатни тортади. Масалан, хўжалик октябрь ойидан бошлаб сут топширяпти. Уни ҳар куни эрталаб ўз шахсий машинасида Ҳожи ака ёки ўғли марказдаги сут заводига олиб боради. Бўлмаса, оралиқ уч-тўрт чақиримлик масофа.

— Жамоа хўжалигининг ўзига топшириб қўйсаларингиз бўлмайдими, — сўраймиз фермердан.

— Ўнда уловидан тушови қиммат тушиши мумкин, — дейди у.— Сабаби, транспорт ҳаражатлари бор, сифат масаласи. Лекин топширган маҳсулотимиз барибир колхоз ҳисобига ўтади. Шартномага мувофиқ кунига 50 литрдан сут топширишимиз лозим. Биз ҳозир саксон литрдан етказиб беряпмиз. Яқиндан бошлаб юз литрга етади. Ўтган давр мобайнида топширилган сут учун ҳисобимизга икки минг сўмдан ортиқ пул тушди.

Қуронбоевлар ҳовлисида ҳозирги қиш пайтида моллларни сақлаш учун иссиқ бинолар етарли. Айниқса, ёзда солинган молхона жуда асқотяпти. Яқинда 14 тонна кунжара сотиб олишди. Кунжара сақланаётган хонада тарози бор. У билан сигир, бузоқ ва ҳўкизларга етарли ем ўлчаб беришади. Ҳа, янги иш тутуми тежамкорлик ва омилкорликни тақозо этади, борингки, истаймизми-йўқми, мажбур қилади, десак янглишмаймиз Буни жамоа хўжаликларидаги озуқага тежамсизроқ муносабат билан таққослаб кўрсак, тафовут аён бўлади. Чунки, у ердаги ҳамма нарса жамоаники, бу ерда бўлса шахсники.

Фермер хўжалигидаги меҳнатни рангин бўёқларда тасвирлашнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. Қуронбоевларнинг ҳам ҳозирча қувончларидан ташвишлари, фароғатларига нисбатан заҳматлари кўп. Хўжалик ишига ҳужжатларда аъзо саналган уч киши эмас, балки бутун оила ўз ҳиссасини қўшяпти. Мол боқиш, ундан сермаҳсул, сифатли маҳсулот олишнинг ўзи бўлмайди.

Айни чоғда улар меҳнатини ёлғиз қора бўёқларда ҳам тасвирлаб бўлмайди. Негаки, бу ташвишларнинг қувончи, бу заҳматларнинг фароғати ва келажаги олдинда. Улар янгичасига ишлашни яхши кайфият, иштиёқ ва уддабуронлик билан бошлашди. Табиийки, яхши бошланган ишларнинг пировард натижаси ҳам хайрли бўлади.

— Ҳар бир фермернинг, шу жумладан, бизнинг ҳам мақсадимиз шундай, — дейди Гурлан ноҳияси партия қўмитаси биринчи котиби, ноҳия Кенгаши раиси Б. Юсупов. — Ҳозирча ноҳиямизда 10 фермер хўжалиги бор. Улар ўз ишларидан асосан мамнун. Фермерликка иштиёқмандлар сони кўпайиб бораяпти. Одамлар олисдаги машҳур кишилар ҳаётидан эмас, балки қўшниларининг ишидан кўпроқ ибрат олади, деб шуни айтсалар керак-да. Бугунги кунда ҳар бир жамоа ва давлат хўжалигида фермерликка аҳд қилган кишиларнинг ўнлаб мурожаатлари бор. Биз уларга ҳам имкони борича кўмаклашамиз, иқтисодий ва маънавий ёрдам берамиз.

Қуронбоевларнинг фермер хўжалигига келганда, уларнинг иши бизни ҳам мамнун қилди. Улар тажрибасини бошқаларга ўргатяпмиз.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Тил ҳақидаги Қонун—амалда*

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ!

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан ташкил топган Атамашунослик қўмитаси қисқа давр ичида бирмунча ишларни амалга оширишган бўлсада, атамашунослигимизнинг бугунги аҳволини қониқарли, деб бўлмайди. Республикамиз даврий нашрларида, радиоэшиттиришлари ва «ойнаи жаҳон» кўрсатувларида атамаларнинг турлича қўлланилаётганлиги ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётир. Кузатишлар шуни кўрсатдики, атамалар билан ишлашнинг асосий йўналишларини аниқлаб олмай туриб бу борада ижобий натижага эришиш мумкин эмас.

Куни-кеча республикамиз Президенти қароргоҳида бўлиб ўтган йиғилишда ана шундай долзарб муаммолар тилга олинди.

— Атамашунослик муаммолари билан авваллари шуғулланилган, — деди Ўзбекистон ССР Қомуси бош редакцияси бош муҳаррири, иқтисод фанлари доктори Н. Тўхлиев. — 1960 йилнинг охирларида «Ценность» атамаси «Қадрият» деб олинганда айрим олимлар қарши чиқишган эди. Бугунги кунда бу сўз тилимизга сингиб кетди.

Биз атамашунослик ҳақида кўп гапиряпмиз, аммо амалий ишдан дарак бўлмаяпти. Биргина Қомус бош редакциясида бу борада муайян тажриба тўпланган. Лекин уни юзага чиқариш ишига эътибор берилмаётир.

— Атамашунослик ишини яхшилаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш керак, — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, республика Атамашунослик қўмитасининг раиси Ғ. Абдурахмонов асосий муаммоларга тўхталди. Тўғриси, қўмитамиз режадаги ишларни амалга оширгани йўқ. Бунинг муайян сабаблари бор. Институтларда ихтисослашган бирлашмалар тузишга эришилмади. Жамоатчилик асосида иш юритаётган 18 та секцияга биттадан штат берилса яхши бўларди. Бу уларнинг луғат тузиш, нашр эттириш ишига масъулиятини янада оширади.

— Атамақўм қиладиган асосий ишини белгилаб, ишга киришиши зарур эди, — деди филология фанлари доктори А. Ҳожиев. — Тўғрисини айтиш керак, Атамашунослик қўмитаси шу кунгача ўз ишини тўғри белгилаб ололмаган. Институтимиздаги 13 кишидан иборат тилшунослик секцияси ўз соҳамиз бўйича русча-байналмилал атамалар рўйхатини туздик, уни ҳар бир тилшуносга тарқатдик, мақбул атамалар топиш ва ўзгартириш бўйича ишлар олиб борилди. Рўйхатдаги атамаларнинг учдан бири ўзбекчалаштирилди. Секция аъзолари яна йиғилиб бир қарорга келишди. Афсуски, беш ойдан буён бу қарорни атамақўм кўриб берганича йўқ.

— Бу ерда Атамашунослик қўмитаси ўз йўналишини тўғри белгилаб олиши зарур деган фикрга қўшиламан, — деди «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг бош муҳаррири А. Мелибоев. — Биз аввало ўзбек тилига нисбатан ғамхўрликни кучайтиришимиз зарур. Бунинг учун ўзбек тили ҳақидаги жамғармани тезроқ ташкил этиш керак. Бўлажак илмий назарий конференция ўзбек тили ва атамашунослик муаммоларини ҳал қилишига ишонаман. Республика атамақўм аъзолари камида 40-50 нафар бўлиши ва у даврий нашрига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мафкура бўлими мудирининг ўринбосари С. Қурбонов, Ўзбекистон Телеграф агентлиги директорининг ўринбосари Т. Расулов, филология фанлари доктори Р. Дониёров ва бошқалар ҳам атамашунослиқнинг муҳим муаммолари хусусида тўхталдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, филология фанлари доктори Б. Назаров олиб борди. Йиғилишда атамашунослик масалаларига бағишланган конференция чақиришга келишиб олинди.

М. ПИРМАТОВ.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«РЎЗНОМА АХТАРИБ»

Рўзноманинг шу йил 12 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилган бўлиб, унда шаҳримиздаги айрим дўконларга «Совет Ўзбекистони» рўзномаси кам миқдорда келтирилаётганлиги, шунинг учун муштарийлар уни ололмаётганлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан «СОЮЗПЕЧАТЬ» ТОШКЕНТ ШАҲАР АГЕНТЛИГИДАН расмий жавоб олинди.

Сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳи сиртқи бўлим талабалари томонидан ёзилган мақола агентлик томонидан кўриб чиқилди. Аниқланишича, талабалар рўзномани харид қиладиган 89-дўкон сотувчиси йўқлиги сабабли вақтинча ишламаяпти. Муштарийлар кундалик нашрларни жумҳурият Коммунистик ёшлар мактаби биносида жойлашган 407-дўкондан харид қилишлари мумкин. Дўкон мақола ёзган талабалар ўқийдиган олийгоҳ яқинида жойлашган.

Рўзномаларнинг чакана савдога кам чиқарилаётганлиги масаласига келсак, шу йил 11 январдан бошлаб Тошкентда чакана савдога чиқариладиган «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг сони 4800 нусхага кўпайтирилди. Ҳозир ҳаммаси бўлиб сотувга 12800 нусха «Совет Ўзбекистони» рўзномаси чиқариляпти.

«ЯРОҚСИЗ ВАГОНЛАР»

Рўзноманинг ўтган йил 29 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Унда Оҳангарондаги саноат корхоналари вагонларни бўшатишда кўпол хатога йўл қўйиб, уларни яроқсиз ҳолга келтираётгани ва бу ердаги вагон таъмирлаш устахонаси вакиллари эса эҳтиёт қисм, материаллар йўқлигини рўкач қилиб, вагонлар ремонтини кечиктириб юораётганлиги танқид қилинган эди. Яқинда мақола юзасидан ОҲАНГАРОН ВАГОН ТАЪМИРЛАШ УСТАХОНАСИ РАҲБАРЛАРИдан расмий жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— «Ташвишли сигнал» рубрикаси остида босилган ушбу танқидий мақола 1990 йилнинг 4 декабрида жамоамиз мажлисида кўриб чиқилиб, унда қайд этилган камчиликлар тасдиқланди. Айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш чоратадбирлари белгиланди.

Жумладан, вагонларнинг бузуқ ҳолда кўп туриб қолиши олдини олиш мақсадида Оҳангарон темир йўл станциясининг ўзида янги, ҳар томонлама жиҳозланган вагон таъмирлаш бўлимини қуриш бошлаб юборилди.

Жамоада меҳнат интизомига, топширилган вазифаларни ўз вақтида бажаришга бўлган эътибор кучайтириляпти Ҳар бир ишчи, ҳар бир мутахассис ходимнинг ўз ишига маъсулияти оширияпти. Таъмирловчиларга етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар, зарур материаллар етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда Шу тариқа ремонт талаб вагонлар тезда сифатли қилиб таъмирланмоқда ва қайта ишлатиш учун темир йўл хизматига юборияпти.

Бироқ темир йўл станцияси ходимларининг бепарволиги туфайли баъзан устахона ишчилари ишсиз бекор турib қолишмоқда Масалан, «Завод» станцияси ходимлари кунига икки маротаба бузуқ вагонлар олиб келиш ўрнига фақат бир марта келтиришяпти, айрим ҳолларда эса уч-тўрт кунлаб умуман таъмирга муҳтож вагонлар келтириб берилмаяпти. Бу эса ўз навбатида устахонадаги иш маромига сезиларли таъсир кўрсатмоқда

Бизнингча, темир йўл станциялари ҳам, вагонлардан фойдаланувчи саноат корхоналари ҳам вагон таъмирлаш устахонаси билан ҳамкорликда иш олиб боришлари, керак пайтда эса уларга тегишли ёрдам кўрсатишлари зарур. Шундай қилинганда яроқсиз вагонлар ўз вақтида таъмирланиб, ишлаб чиқаришга тезда қайтади.

НАҚЛИЁТГА ОИД ЛУҒАТ

Мана, қўлимизда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган мўъжаз китобча. — «Автомобиль нақлиёти ходимлари учун қисқача русча—ўзбекча луғат»нинг ҳали охори ҳам тўкилмаган нусхаси. Чиндан ҳам мазкур тўплам шу соҳада қилинаётган хайрли ишнинг дебочаси деса бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг 1989 йил 21 октябрдаги Фармонига биноан Давлат тилига ўзбек тили мақоми берилиши тўғрисидаги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон ҳукуматида Атамалар қўмитаси ташкил этилди. Ушбу комитетга фан-техниканинг турли соҳалари бўйича малакали, йирик мутахассислар жалб этилди. Шу жумладан, ҳозирги пайтда автомобиль транспортига оид атамаларни ўгириш устида ҳам жиддий иш олиб борилмоқда. Ҳозирча умуман автомобиль транспортига оид атамалар йўқ бўлганлиги сабабли «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тарғибот бўлими ходимлари ташаббуси билан ушбу қисқача русча-ўзбекча луғат тузиб чиқилди.

Шуни қайд қилиб ўтмоғимиз лозимки, мазкур луғат 1990 йилнинг биринчи уч ойлигида тузилиб нашр этишга шай қилиб қўйилган ва ўша йилнинг апрель ойларида босмахонага топширилган эди. Бу китобчани яратишда айни даврга яратилган русча-ўзбекча луғатлардан фойдаланилди. Шу боисдан айрим сўзларнинг ўзбекчага тўлиқ ўгирилмаганлиги табиий бир ҳолдир.

Хуллас ҳамма гап шундаки, ҳозирги пайтда барча илму фан соҳасида тўлиқ атамалар ташкил этилмаганлиги сабабли, ўзбек тилидаги баъзи сўзлар ҳар хил талқин этилмоқда. Бу вақтинчалик ҳол, албатта. Автомобиль транспортига оид техник сўзларнинг мукаммал, аниқ атамалар луғати босилиб чиққач, ҳаммаси жой-жойига тушади. Ҳозирча, ушбу қисқача русча-ўзбекча луғат, ҳар ҳолда дастлабки қадам ҳисобланиб, автомобиль транспорти ходимлари учун оз бўлса-да, фойдадан ҳоли бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Ушбу китобчадан автомобиль ва йўл тармоғи ўқув юртларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

А. АЛИМОВ,
Ғ. МАҲМУДОВ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Шеробод районидаги хўжаликлараро чорвачилик корхонасида айни пайтда 565 бош қорамол, 600 га яқин чўчқа, 220 бош қўй боқилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ўтган йил натижалари бўйича 300 минг сўм фойда олинади.

СУРАТДА: хўжаликлараро чорвачилик корхонаси илғор ишчиларидан Чори Мусаев билан Маматали Алламуродов.

И. ХУЖАЕВ туширган сурат (ЎзТАГ).

• *Ўзаро фойдали алоқалар*

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

● Тошкентдаги Совет — Хитой «Ташинтерм» қўшма корхонаси ташқи бозорга чиқди. Эндиликда унинг маҳсулотларига Афғонистон, Польша ва бошқа хорижий мамлакатлар харидор бўлмоқда.

Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқалар ўрнатиши кенгайиб бормоқда. Айниқса, чет эл фирмалари ва маблағ (инвестиция)ларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш, биргаликда қўшма корхоналар ташкил қилиш ишларига алоҳида эътибор бериляпти. Тўғриси, биздаги салмоқли ишлаб чиқариш ва хом ашё базаси, меҳнат ресурслари хорижий ишбилармонларни ўзига тортмоқда. Шу боис улар ҳамкорлик қилиш таклифи билан жумҳуриятимиз корхоналарида бўлишяпти. Ўзаро бир битимга келишгач эса, фойдали ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда.

Тошкентдаги Совет — Хитой «Ташинтерм» қўшма корхонаси ана шундай ҳамкорликнинг маҳсули. Уни Хитой Халқ Жумҳуриятининг бизга қўшни Шинжонг-Уйғур мухтор ноҳиясидаги Урумчи термос фабрикаси билан Ўзбекистон жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлиги биргаликда таъсис этишганди.

Даставвал икки томонлама муносабатлар аниқлаб олинди. Совет томони ишлаб чиқариш биноси, ишчи кучи, ускуна ва хом ашёнинг бир қисмини ажратадиган, хитойликлар эса ўз навбатида технология ускуналари ва зарурий хом ашёни (асосан кольбаларни) етказиб берадиган бўлишди. Бундан ташқари улар қўшма корхонани 30 нафар тажрибали мутахассис кадрлар билан таъминлашни ўз зиммасига олишди. Хуллас, ўзаро манфаатлар асосидаги 10 йиллик битим имзоланди. Унга мувофиқ ишлаб топиладиган фойданинг 68 фоизи бизнинг жумҳуриятимиз ҳисобига, 32 фоизи эса хитойликларга валюта ҳисобида бериладиган бўлди.

Мазкур корхона қисқа муддат ичида ишга туширилди. Тўғриси, Тошкентдаги тажриба заводи ўз ишлаб чиқариш биносининг бир қисмини бу корхонага ажратиши ишнинг тезлашишига ёрдам берди. Тайёр биноларга Хитойдан келтирилган ускуналар ўрнатилиб, цех ва участкалар қайтадан жиҳозланди.

Қўшма корхона вакиллари дастлабки маҳсулот — термосларни истеъмолчиларга етказиб беришди. Бундай сифатли маҳсулот харидорларга ёқиб тушди. Мазкур истеъмол буюмига талаб ва эҳтиёж тобора ошиб борди. Ўтган давр мобайнида корхонада 700 минг донадан зиёд термос ишлаб чиқарилди. Тайёрланган маҳсулотнинг қарийб 80 фоизи жумҳурият аҳолисига сотилди. Бир қисми эса баъзи таъминотчи корхоналарга хом ашё эвазига берилди. Термосларнинг 10 фоизи жаҳон бозорига чиқди. Улар сифатлилиги, фойдаланишга қулайлиги, бежирим ташқи кўриниши туфайли хорижий харидорларга ҳам маъқул келди.

Эндиликда Афғонистон, Польша ва бошқа чет эл мамлакатларининг истеъмолчилари мазкур корхона маҳсулотларига муштоқ бўлиб туришибди.

— Ҳозирча ташқи бозорга чиқишга шошилаётганимиз йўқ,—дейди «Ташинтерм» қўшма корхонасининг бош директори Мирза Султонов. — Лекин истиқболда, жумҳурият аҳолиси эҳтиёжини қондира олганимиздан сўнг, маҳсулотларимизнинг анчагина қисмини ҳорижга сотишимиз мумкин бўлиб қолади. Унгача корхонамизнинг жаҳон бозорига рақобатбардошлигини бирмунча мустаҳкамлаб олишимиз керак. Бунинг учун ишлаб чиқаришни изчил такомиллаштиришимиз, кенгайтиришимиз, янги технологияларни жорий қилиб, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашимиз лозим. Ана шундан кейин ташқи бозорга бемалол чиқса бўлади.

Корхонада ҳозирданоқ бунга тайёргарлик кўриляпти. Аввало, сифат масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, ишчининг ўзи тайёрлаб чиқарган маҳсулотга бўлган жавобгарлиги кучайтириляпти. Мабодо, ишчи яроқсиз маҳсулот тайёрласа, меҳнат интизомига амал қилмаса, то ишдан ҳайдашгача бўлган чоралар кўриляпти. Шу боис ҳар бир цехда, участкада зиммадаги вазифага виждонан ёндашилмоқда. Бундан эса корхона ҳам, ишчининг ўзи ҳам фойда кўрмоқда. Бинобарин, маҳсулот сифати ҳақида ҳозирча ҳеч бир истеъмолчи нолигани йўқ. Бу — корхонага фақат обрў келтиряпти. Ишчилар эса ўз навбатида ҳалол ва малакали меҳнатлари учун етарлича ҳақ олишяпти. Масалан, корхонада ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 530 сўмни ташкил этяпти. Бундан ташқари йил охирида моддий рағбатлантириш фондидан уларга қарийб 600 сўмдан знёд мукофот пули ҳам берилади. Баъзи ишчилар бажарган меҳнатига яраша 1500 сўмдан ойлик маош олишяпти. Бу ерда давлат корхонасидаги сингари ишёқмас, ўз ишига бепарво кишини топаман десангиз, янглишасиз. Негаки, қўшма корхонада ким яхши ишласа, шунчалик яхши ҳақ олади.

Дарвоқе, қўшма корхонада ишга қабул қилиш тартиби ҳақида икки оғиз сўз. Ҳозир бу ерда 400 нафар ишчи хизмат қилади. Уларнинг ҳаммаси корхонага танлов (конкурс) асосида қабул қилинган. Қизиғи, ушбу танловда тегишли мутахассисликдан ташқари ишчининг шахсий қобилияти ва бошқа инсоний фазилатлари, оилавий шароити ҳисобга олинган. Агар у ёки бу ишчининг барча жиҳатлари мазкур танлов қоидаларига мос келса, у шартнома асосида бир йилга ишга қабул қилинади. Шундай бўлишига қарамасдан қўшма корхонада ишлашни хоҳлаганларнинг сони кўп. Бироқ ҳозирги ишлаб чиқариш даражаси кўп ишчи кучига муҳтож эмас.

Бундан ташқари, кўпгина ишчилар янги ускуналарда ишлашнинг ҳадисини олишгач, бир йўла бир неча дастгоҳни бошқаришяпти. Яқин вақт ичида корхона раҳбарлари ҳамкор фирма билан биргаликда ишлаб чиқаришни кенгайтиришни мўлжаллаб туришибди. Ана шунда қўшимча ишчи кучи олиш учун имконият туғилиши турган гап.

Айни пайтда қўшма корхонада маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу йил термос ишлаб чиқаришни бир миллион донага етказиш кўзда тутиляпти. Ҳозиргача Россиядаги ва бошқа жумҳуриятлардаги кўпгина таъминотчи корхоналар билан хом ашё етказиб бериш шартномалари имзоланди.

Бироқ қўшма корхона аҳли бир нарсадан хавотирда.

— Ҳозир мамлакатимиз сиёсий ижтимоий-иқтисодий ҳолатидаги вазият жуда мураккаб, — дейди Мирза Султонов. — Аҳволни барқарорлаштирмасдан туриб менимча, ҳеч бир соҳада силжишга эришиб бўлмайди. Айниқса, иқтисодиётда хўжалик алоқаларини тиклаш ва узайтириш масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Дарҳол, ҳозирнинг ўзидаёқ иттифоқдош жумҳуриятлар ўзаро келишиб олишлари зарур.

Яна бир масала, қўшма корхоналар тўғрисидаги жумҳурият қонунини тезроқ ишлаб чиқиш керак. Акс ҳолда мавжуд қўшма корхоналар фаолиятида ўзгариш ясаш қийин кечади. Негаки, уларнинг ривожланиши йўлидаги эски тўсиқлар янги қонун бўлмаса сақланиб қоларади. Тўғри, Иттифоқ ҳукуматининг бу борадаги қонуни бор. Лекин у жумҳурият манфаатларига тўла жавоб бермайди.

Дарҳақиқат, директорнинг гапларида жон бор. Эндиликда жумҳуриятда қўшма корхоналар фаолиятига алоҳида эътибор бериш пайти келди. Жумҳурият ҳукумати шу мақсадда ва умуман ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида уларнинг структурасини қайта ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистон ССЖ Давлат ташқи савдо алоқалари комитети, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банки ва бошқа ташкилотлар тузилди.

Менимча, айнан шу ташкилотлар қўшма корхоналарнинг ривожланишига бевосита кўмаклашишлари, зарур пайтда эса моддий жиҳатдан ёрдам қўлини чўзиб, ташқи иқтисодий алоқалар учун кенг имкониятлар яратиб беришлари зарур. Шундай қилинганда қўшма корхоналар фаолияти жонланади. Уларнинг жумҳурият иқтисодиёти учун қўшаётган ҳиссаси ортади. Айни пайтда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш иши олга силжийди. Энг муҳими эса, бундай корхоналар жумҳуриятнинг жаҳон бозоридаги мавқеини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Очиғини айтганда, қўшма корхона меҳнат аҳлининг эзгу ниятлари ҳам шундай. Улар айни пайтда ўз корхоналарини асосан жумҳурият халқининг бугунги ва истиқболдаги манфаатларига жавоб берадиган корхонага айлантириш йўлида астойдил курашмоқдалар.

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• ХУШХАБАРЛАР

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

● Тахиатош дон маҳсулотлари комбинатидаги тегирмонда бир кеча-кундузда илгаригига нисбатан 35 тонна кўпроқ маҳсулот тайёрлана бошланди.

Реконструкция ана шундай самара берди. Реконструкция чоғида автоматлаштирилган тарзда бошқариладиган тегирмон ишга туширилди.

Янги техника анчагина малакали мутахассисларни бўшатиб олиш ва улардан бошқа участкаларда фойдаланиш ҳамда уннинг сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

ЗАРАФШОН РЕТРАНСЛЯТОРИ

● Зарафшонда телекўрсатувларни қабул қилиш ва узатишга мўлжалланган қудратли телевизион қурилма ўрнатилди.

Шу туфайли Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган қозоқ миллатига мансуб аҳоли қардош жумҳуриятдан берилаётган она тилидаги телевизион программаларни кўриш имконига эга бўлади.

Ретранслятор Ўзбекистон телевидениесининг ҳар икки программасини ҳам эфирга узатади. Бошқа телемарказлар кўрсатувлари олиб берилмаётган вақтда маҳаллий телестудия кўрсатувлар олиб бориши мумкин бўлади.

Тез орада Томди районида худди шундай ретранслятор ишга тушади.

ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСЛАР БОРАДИ

● Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийсида курорт мавсуми бошланишига 260 ўринли янги корпус фойдаланишга топшириш учун тайёрланмоқда.

Бу объект қурилишини «Андижаноблагропромстрой»нинг 1- ва 2- вилоят бирлашмалари энг яхши ғишт терувчилари, дурадгорлари, пардозловчилари ҳамда бошқа касб вакилларидан иборат бригадалар олиб бормоқда. Улар билан бирга Ялтада база билим юрти — Андижондаги 119-ўрта ҳунартехника билим юртининг аълочи талабалари ҳам меҳнат қилмоқда.

ТЕАТР—БОЛАЛАРГА

Охунбобоев номли Андижон вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театри ўз ёш томошабинлари учун янги совға тайёрлади.

Театр болаларни Н. Рўзимуҳамедов билан Н. Шомуродов асари асосида тайёрланган «Кўзагирлар» спектаклининг хайрия премьерасига таклиф қилди.

Спектаклда абадий мавзулар — эзгулик, инсонийлик, меҳр-мурувват тўғрисида ҳикоя қилинади. Спектаклда труппанинг етакчи артистлари иштирок этмоқда. **(ЎзТАГ).**

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

● Тошкентда СССР кубоги учун минтақа баҳслари бўлди. Республикамиз таниқли спортчиларидан О. Кучмуродов, М. Шмонова, Р. Ғатаулин, Ф. Бурхоновалар масъулиятли баҳсларга тайёргарлик кўришаётгани важидан мусобақада қатнашмадилар. Шунга қарамай, кўрсатилган натижалар чакки бўлмади. Чунончи, Д. Рейх 60 метрга тўсиқлар оша югуришда 7,8 секундли натижа билан спорт устаси талабини бажарди. Лангар билан сакровчи В. Риженков 5 метр 40 сантиметрли маррани эгаллади. М. Сайфуллаева 1500 ва 3000 метр масофага югуришда маррада биринчи бўлди. Ярим финал баҳслари Қарағанда шаҳрида ўтказилиб, унда Тошкент ва пойтахт вилояти командалари қатнашадилар.

СУЗИШ:

ИККИНЧИ ПОҒОНАДА

● Чебоксарида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида вакилларимиз кўпроқ ғолиблик супасининг иккинчи поғонасини эгаллашди. Чунончи, О. Филонова билан Р. Начаев 100 метрга батерфляй, Е. Чокотов 1500 метрга эркин усулда сузишда мусобақанинг кумуш медалларини қўлга киритишди.

● Беминнат хизмат

БЕДАХЛ САРМОЯ

Сир эмаски, кейинги пайтларда республикамизда жиноятчилик авж олиб боряпти. Шундай экан, бирон кор-ҳол юз бермаслиги учун ҳаммадан ҳушёрлик ва зийраклик талаб қилинмоқда. Айниқса, давлат ҳамда кооператив мулкларини хавф-хатардан ҳоли қилиш, зарур бўлиб қолди.

Ўзбекистон инкассация бошқармаси бу борада бир қанча тадбирларни амалга оширяпти. Жумладан, республика пойтахтидаги турли ташкилотларнинг ойлик маошлари ва бошқа маблағлари ўз вақтида хавф-хатарсиз етказиб берилишини ташкил этишда жонкуярлик қилмоқда. Бунда кўпчилик ташкилот ва идоларнинг жамоалари инкассация идоралари билан шартнома тузиб, уларнинг хизматидан баҳраманд бўлишяпти ва содир бўлиши мумкин бўлган баъзи ташвишли тасодифлардан холи бўлишяпти.

Лекин айрим ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари арзимаган шартнома пулидан қочиб, ойлик маошларни банклардан олиб кетиш чоғида нохуш фалокатларга дуч келмоқдалар. Чунончи, Андижон вилояти Ленинск шаҳридаги алоқа бўлимининг бош кассири давлат банкидан идора учун тегишли пулларни олиб, ўз машина ва ёрдамчилари билан манзилгоҳларига кетаётган пайтда йўлда номаълум уч кишига дуч келишди. Уларнинг бири милиция либосида бўлиб, машина ва кассирга ҳамла қилди ва пулни қўлга киритмоқчи бўлди. Лекин бахтли тасодиф туфайли йўловчилар бу фалокатдан қутилиб қолдилар. Бундай воқеалар республикамизнинг турли жойларида тез-тез содир бўлиб турибди.

Шу каби нохуш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида барча ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарларига айтмоқчимизки, ўз шаҳар ва район банкларининг инкассация ходимлари билан ўзаро шартнома тузиб, уларнинг беминнат хизматидан баҳраманд бўлинг.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон инкассация бошқармаси бўлим бошлиғи, республикада хизмат кўрсаттан иқтисодчи.

«ОЙНАИ ЖАҲОН» ДА КЎРИНГ

21—27 январь

21, душанба

ЎзТВ-I. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Квакша». Қўғирчоқ фильм. 18.30 Болалар учун концерт. 19.00 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ўсмир ва қонун». 20.15 Халқаро ҳаёт. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақслар гулдастаси». 21.30 «Время». 22.15 Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм, 1-қисм. 23.40 Янгиликлар. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув (такрор). 20.05 «Спринт» (рус тилида). 20.20 «Тижорат хабарлари». 20.25 «Муҳаббат силсиласида». Бадиий фильм, 1-серия (рус тилида). **Душанбе кўрсатади.** 21.30 «Время». 22.15 «Душанбе оқшомида». Адабий-публицистик видеоканал.

Телетомошабинлар диққатига.

Профилактика муносабати билан душанба, 21 январь куни МТ—I кўрсатувлари соат 15.30 дан бошлаб олиб кўрсатилади.

МТ-I. 15.30 ТСН. 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм. 5-серия. 16.40 «Мусиқий хазина». 17.15 Болалар соати. 18.15 Бозор қонунларига биноан. 19.00 Мулоқот. 19.15 Телефильм. 20.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 Время. 22.15 Л. Н. Толстой. «Қоронғуликда нур ҳам ярқирайди». Телеспектакль. 00.30 «Сен ҳақингда». Телевизион бадиий фильм. 01.50 А. Твардовский. «Поэмалар».

МТ-II. 17.30 Балетмейстер И. А. Моисеев туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм. 18.55 Мультфильмлар. 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари «Эко—90» (Анадирь). 19.50 «Ичкерия—менинг қўшиғим». 20.25 Коллаж. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Педагогика ҳамма учун. 21.30 Время. 22.15 Киноочерк. 22.25 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Р) — «Спартак». 00.45 «Кубанчин билакузугининг сири». Телевизион бадиий фильм.

22, сешанба

ЎзТВ-I. 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Болалар — келажагимиз». Кинопрограмма. 10.05 «Ўзбек тилини ўрганамиз» (такрор). 10.35 Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм, I-қисм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Қадрият». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Хотира». 21.30 «Время». 22.15 «Спортлото». 22.20 «Гирдоб». Видеофильм, 2-қисм. 23.40 Янгиликлар. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Учрашув». 20.00 «Лаҳза». Информацион кўрсатув. 20.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми. **Душанбе кўрсатади.** 21.30 Москва. «Время». **Душанбе кўрсатади.** 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Шаби дилкушо». Янги йил дам олиш кўрсатуви. 23.15 «Елена Камбарова куйлайди». Фильм-концерт.

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Ишчан чопар. 9.45 Болалар соати. 10.45 Молдавиянинг халқ табобати ҳақида телефильм премьераси. 11.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 12.30 ТСН. 12.45 «Ҳар бир хонадонда бўл». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-рия. 15.30 ТСН. 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Телевизион бадиий фильм. 6-серия. 16.40 «Унутилган саҳифалар». П. И. Чайковский асарларидан концерт. 17.35 Мультфильмлар. 18.00 Чемпионлар билан биргаликда. 18.15 Орзуларнинг қайта туғилиши. Ҳужжатли фильм премьераси. 18.40 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 19.25 Сиёсий мулоқотлар. 20.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Телевизион бадиий фильм пермьераси. 2-серия. 21.30 Время. 22.15 ВИД таништиради. «Мўъжизалар майдони». 23.00 В. А. Моцарт асарларидан концерт. 23.35 «Австралия воқеалари». Телефильм. 1-фильм. 00.30 «Шомдан тушгача». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 01.35 Биргаликда қўшиқ куйлаймиз, дўстлар!

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 «131 йил ноктюрни». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Мусиқа. 10.05, 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 Жуғрофия. 12.05 Онам, дадам ва мен. 13.05 «Мангу ҳаракат». Ҳужжатли фильм. 13.25 «Кубачин билакузугининг сири». Телевизион бадиий фильм. 14.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Эко—90 (Анадирь). 15.05 Ритмик гимнастика. 17.30 «Созандалар мусиқа ҳақида. А. Бабаджанян. Туғилган кунининг 70 йиллигига. 18.20 «Дунганча тўй». Телефильм премьераси. 18.40 Мультфильм. 18.55 «Тикланиш ороми». «Информэлектро» Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг Измайловодаги тарихий ва меъморий ёдгорликларни тиклаш учун ҳайрия жамғармаси ҳақида (Москва). 19.45 «Мусаввир устахонасида». Алексей Кузьмич. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Хайрлин тун, кичкитойлар!. 20.45 Коллаж. 20.50 «Мария Биешу таклиф этади. 21.30 Время. 22.15 «Любахон». Телевизион бадиий фильм. 23.25 «Ташландиқ канал». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.35 «Телевизион мусиқий абонемент. 00.35 «Давр кўзгуси». Телефильм.

23, чоршанба

ЎзТВ-I. 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Қутлов». Мусиқий кўрсатув. 10.30 «Гирдоб» Видеофильм, 2-қисм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Устод». Аъзамхон Рустамов. 19.00 «Ҳокимият Шўроларда». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Зокировлар сулоласи». Адабий-мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Зокировлар сулоласи» (давоми). 21.30 «Время». 22.15 «Гирдоб». Видеофильм, 3-қисм. 23.25 Янгиликлар. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 А. Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. 19.05 «Навоий ва Жомий». 19.35 Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг VIII-съезди олдидан. 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув. 20.10 «Муҳаббат сулоласида». Бадиий фильм, 2-серия (рус тилида). 21.20 «Билдирсой». Манзарали фильм. **Душанбе кўрсатади.** 21.30 «Время». 22.15 Тожикистон касаба уюшмаси XV съезди делегатлари билан давра суҳбати. 22.15 «Мерседес»даги кишининг далиллари». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Долзарб репортаж. 9.45 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 10.30 Телефильмлар. 11.10 Мультфильм. 11.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.30 ТСН. 12.45 «Австралия воқеалари». Телефильм. 15.30 ТСН. 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Телевизион бадиий фильм. 7-серия. 16.45 «Унутилган саҳифалар». П. И. Чайковский асарларидан концерт. 17.50 Болалар соати. 18.50 «Санъатга қайтиш». Фильм-концерт. 19.55 Телеочерк. 20.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм, 3-серия. 21.30 Время. 22.15 Хоккей. ССЖИ чемпионати. 24.00 «Австралия воқеалари». Телефильм. 2-фильм. 00.55 «Шомдан тушгача». Телевизион бадиий фильм 2-серия. 02.10 «Кўҳна танго». Фильм-балет.

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 10.05, 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Адабиёт. 12.05 Здоровье. 13.05 «Любахон». Телевизион бадиий фильм. 14.15 Мария Биешу таклиф этади. 14.55 Телефильм. 15.45 Телевизион мусиқий абонемент. 17.30 «Байкал қариялари». Телефильм. 18.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Қозон. 19.05 Биз — лўлиларміз. Фильм-спектакль. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!. 20.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Волгоград. 21.30 Время. 22.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.30 «Тео Адам таклиф этади...».

24, пайшанба

ЎзТВ-I. 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Ҳар чинордан бир япроқ». СССР халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 80 йиллигига (такрор). 9.45 «Гирдоб». Видеофильм, 3-қисм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.40 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Халқ билан ҳамнафас». Ўзбекистон журналистлар уюшмаси VIII съезди олдидан. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ижод саҳифалари». Шоир Тўлан Низом. Адабий-мусиқий кўрсатув. 21.25 Тижорат хабарлари. 21.30 «Время». 22.15 «Гирдоб». Видеофильм, 4-қисм. 23.25 Янгиликлар. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида). **Душанбе кўрсатади.** 21.30 «Время». 22.15 «Мерседес»даги кишининг далиллари». Бадиий фильм, 2-серия.

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 9.45 Болалар соати. 10.45 Яна бир бор севги ҳақида. Концерт. 11.05 Мультфильм. 11.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. 12.30 ТСН. 12.45 «Австралия воқеалари». Телефильм. 2-фильм. 15.30 ТСН. 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Телевизион бадиий фильм. 8-серия. 16.40 Биз излаймиз. 17.10 Болалар учун фильм. 18.25 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.05 Халқаро танловлар совриндори Д. Хворостовский куйлайди. 20.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 Время. 22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра 22.30 Фигурали учиш. Европа чемпионати. 23.15 «Австралия воқеалари». Телефильм премьераси 3-серия. 00.10 «Пи» белгиси билан» 01.40 «Оилавий шароитларга кўра» Телевизион бадиий фильм 1-серия. 02.45 Шоир Виктор Боков билан учрашув.

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 «Олимпдан ўз ўрнингизни эгалланг». Илмий-оммабоп фильм 9.35 — 10.35 Адабиёт. 10.05, 11.05 Испан тили. 11.35 12.40 Табиатшунослик. 11.55 Компьютер билан мулоқот. 13.00 «Биз—лўлиларміз». Фильм-спектакль. 14.25 «Санъатга қайтиш». Фильм-концерт. 15.25 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Қозон. 16.15 Ритмик гимнастика. 17.30 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 17.50 Волейбол. Европа чемпионатлари кубоги. 18.35 «Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.15 Давлат Чукотка-Эскимос «Эргирон» ансамблининг концерти. 20.30 Ҳайрли тун кичкинтойлар. 20.45 «Машшоққа ўқ узманг» Телефильм. 21.15 Бутуннроссия танловининг совриндори С. Лукин чалади. 21.30 Время. 22.15 «Асраб авлодларга етказ». 23.00 Хоккей. СССР чемпионати.

25, жума

ЎзТВ-I. 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Доира оҳанглари». Фильм-концерт. 9.35 «Йўлдаги репортаж». Телефильм. 9.55 «Гирдоб». Видеофильм, 4-қисм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Саҳрли ҳарфлар ороли». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 19.05 Долзарб мавзу. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, бастакор Қаҳрамон Комилов. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Маърифатнома». 21.30 «Время». 22.15 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». 23.25 Янгиликлар. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. 19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Суҳбатга чорлаймиз». Бевосита мулоқот. 20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув. 20.10 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Таганка театри актёрлари билан учрашув. 21.20 «Рок усулида». Катталар учун мультфильм. **Душанбе кўрсатади.** 21.30 «Время». Москва. 22.15 «Негатив». Танқидий кўрсатув. 22.45 «Мўътабар шахс». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «Тонг» (120+30) 9.30 «Инновация. Маркетинг. Натижа». 9.45 Мультфильм. 10.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.15 Халқ куйлари. 11.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 12.30 «ТСН». 12.45 «Австралия воқеалари». Телефильм. 3-фильм. 15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Телевизион бадиий фильм. 9-серия. 16.50 «Онам, дадам ва мен». 17.20 Болалар учун фильм. «Иванко ва шоҳ Поганин». 18.40 «Мулоқот-анжуман». 19.10 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Хотин-қизлар, Эркин программа. 20.10 «ВИД» программаси. 20.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 21.30 «Время». 22.15 «ВИД» программаси. 01.15 «Оилавий шароитга кўра». Телевизион бадиий фильм. Премьераси. 2-серия. 02.20 Рус санъатининг 100 ёши. Шахсий коллекциялардаги асарлар кўргазмаси ҳақида.

МТ-II. 9.00 Эрталабки бадантарбия. Ўқув программаси. 9.15 «Нон. Хонадон. Соҳиб». Илмий-оммабоп фильм. 9.45, 10.35 Теварак атроф билан танишиш. 1-синф. 10.05, 11.05 Инглиз тили. 10.55 «Шундай жой бор...» Телефильм. 11.35, 12.35 Физика. 8-синф. 12.05 «Бугунги Буюк Британия». 13.05 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси. 14.25 «Халқ қўшиқларига муҳаббат билан». 15.05 Телефильмлар. 15.45 Рус хор капелласининг концерти. 17.30 Жаҳон халқлари ижоди. Хиндистон. 18.00 «Мана менинг қишлоғим». (Олтой ўлкаси). 19.00 Спорт ҳамма учун. 19.15 Мультфильмлар 19.25 Коллаж. 19.30 В. Висоцкий хотирасига бағишланган кўрсатув. 20.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Правда» кўчаси. Телеочерк. 21.30 «Время». 22.15 «Миландаги энг катта ўғирлик». Бадиий фильм. 23.55 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 00.25 «Тунги рандеву». Минскдан кўрсатилади.

26, шанба

ЎзТВ-I. 8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 9.00 «Йигитлар беллашганда». 10.40 Араб тили. 11.10 «Нафосат». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 13.40 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси хизмат кўрсатган хор жамоаси концерти. 14.10 «Деҳқон ва замин». Тижорат кўрсатувлари. 15.20 «Ҳазорбоғ»нинг 60-баҳори». Ҳужжатли фильм. 16.30 «Бешкент толаси». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 «Время». 22.15 «Парама». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. Душанбе кўрсатади. 9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 «Шифо». Тележурнал. 10.35 «Мўътабар шахс». Бадиий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Шаҳло» болалар рақс ансамблининг концерти. 19.00 «Новости». 19.20 «Садои сарбоз». 20.00 «Дўхтир, мен гўзал бўлмоқчиман». Телефильм премьераси. 20.20 Кинолавҳа. 20.30 «Ахбор». 20.50 «Мерос». 21.30 «Время». 22.15 «Кўҳи баланд».

МТ-I. 7.00 Халқ қўшиқлари танлови қатнашчиларининг концерти. 7.30 Мультфильмлар. 7.45 Спорт ҳамма учун. 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Навбат сизга, артист». И. Горь Бриль чалади. 9.00 «Здоровье». 9.30 «ТСН». 9.45 Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 10.15 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 12.15 Эстрада концерт. 12.45 «Жарликдан». Ҳужжатли-публицистик фильм премьераси. 1-фильм. 13.45 «Ер манзаралари». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 3-серия. 14.45 «Баройиб бола». Бадиий фильм. 16.15 «ТСН». 16.30 Диснейл эндедаги мўъжизалар телетармоғи. 17.30 «Уялсинми ёки қувонсинми?» Маданият ва ахлоқ анъаналари. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Режиссёр Я. Фрид фильмлари. «Дон Цезарь де-Базан». 1 ва 2-серия-лар. 21.30 «Время». 22.15 Фигурали учиш. Европа чемпионати. 23.00 Қўшиқ ҳақида хотиралар. («Йил қўшиқлари» фестивали саҳифаларида). 23.30 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». 01.30 «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 02.35 «Шимол садолари». Фильм-концерт.

МТ-II. 8.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.45 «Майдон». 9.45 «Биз яшаётган олам». Режиссёр К. Лаврентьевнинг ҳужжатли фильмлари. 10.30 «Оила» телепрограммаси. 11.30 «Киносерпантин». I-дубль. 13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 16.30 «Плюс ўн бир». Россия телевидениесининг программаси. 20.00 Э. Элгар. «Аллегро» интродукцияси. 20.20 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!» 20.45 «Киносерпантин». 2-дубль. 21.30. «Время» (сурдо таржимаси билан). 22.15 «Киносерпантин». 3-дубль.

27, якшанба

ЎзТВ-I. 8.00 «Ҳафтанома» (такрор).

Ҳурматли телетомошабинлар! Соат 9.00дан «Ёшлик» студиясининг видеоканали яна сизнинг хизматингизда. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Самовий саргузашт». Мультфильм. 18.20 Болалар учун «Кичкинтой» программаси. 18.50 «Меҳр ўчоғи». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Жаҳон киноюлдузлари. Жан Поль Бельмонда. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.30 «Время». 22.15 «Мерос». Мақом тарихидан. 1-кўрсатув. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ-II. Душанбе кўрсатади. 9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.10 «Мўъжиза алифбо». 10.50 Кинопрограмма. 11.50 «Ғалабадан сўнгги мағлубият». Бадиий фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Телефильм-концерт. 18.30 «Пайғом». Телетомошабинларнинг хатлари асосида. 19.10 «Забони мо — жаҳони мо». 20.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув. 20.30 «Умид тонги». Телефильм премьераси. 20.40 Мусиқий кўрсатув. 21.30 «Время». 22.15 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 23.15 «Телетомошабин ҳамроҳи».

МТ-I. 8.30 «ТСН». 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси 12.00 «Ҳайвонот оламида». 13.00 «Делегатская»даги музей». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Мусиқий киоска». 15.00 «Веди» программаси. 15.30 «ТСН». 15.45 Мультфильм. 16.00 «Мастер, Маргарита. Испанчадан эркин таржима». Ҳужжатли фильм премьераси. 16.10 «Марафон-15». 17.25 МТ-I-нинг якшанба променад-концерти. 19.05 «Уолт Дисней таништиради...» 19.55 «Қишки олча». Бадиий фильм. «Ленфильм». 21.30 Время. 22.15 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Эркин рақс. 23.25 В. Леонтьев. «Сенла кетсам...» 00.30 «Бир куни Кусковода». Видеофильм. 01.05 «Номсиз юлдуз». Бадиий фильм. 2-серия. 02.10 «Ёмғир куйи».

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 «НУЖ... Эълон қилинмаган ташриф». 7-кўрсатув. 1- ва 2-қисмлар. 10.10 Дзюдо кураши. СССР чемпионати. 10.40 «Илья Эрренбург» Ҳужжатли фильм. 11.20 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. «Детроит пистоно» — «Чикаго булз». 12.20 «Осиё овози». Эстрада. Дам олиш программаси. 14.15 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 17.45 «Ер эди...» Ҳужжатли фильм. 18.05 «Планета». Халқаро программа. 19.05 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.20 Чана спорти Жаҳон чемпионати, Сигулдидан кўрсатилади. 20.00 З. Сахабеева куйлайди, Қозондан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ Гном». 20.50 Коллаж. 20.55 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Меросхўр». Телефильм премьераси. 21.30 «Время». (сурдо таржимаси билан). 22.15 Муаллифлик телевидениеси. «Гиннес шоу». «Сўнгги нола». «Намедни». 24.00 Чана спорти. Жаҳон чемпионати.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

24, 25, 26, 27 январь соат 19.30 да Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади

«АЛИШЕР НАВОИЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ КУЙЛАЙДИ

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 январь соат 19.00 да 1, 2, 3 февраль соат 16.00 ва 19.30 да

ЯНГИ ПРОГРАММА «Ҳазил — 3»

ҲАЖВИЯ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДЖЎЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

●

ГУЛҚОҒОЗБОП ҚОҒОЗГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

буюртмачининг қоғози билан чекланмаган миқдорда гулқоғоз тайёрлашни

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

33-90-50, 33-84-78 телефонлари бўйича ишлаб чиқариш бўлимига мурожаат қилинсин.

«Совиндэлектроник» Совет—Ҳиндистон қўшма корхонаси жамоаси корхонанинг савдосотиқ ишлари бўйича бошлиғи Ж. Ж. Акромовга отаси

Жамил Акромович АКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССЖ Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг Ўзбекистон телевидениеси жамоаси «Ахборот» ижодий бирлашмаси директорининг ўринбосари Ж. Акромовга отаси

Жамил Акромович АКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий ёрдамни ташкил қилиш Бош бошқармасининг 1-тоифали мутахассиси Ш. Ж. Акромовага отаси

Жамил Акромович АКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашининг жамоаси бўлим мудири, иқтисод фанлари доктори Э. Аҳмедовга отаси

Аъзам АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ССЖИ Давлат статистика комитети Тармоқлараро малака ошириш ва статистика илмгоҳининг Ўзбекистон бўлими жамоаси доцент, иқтисод фанлари номзоди, ўқув-услубий ишлар бўйича директор ўринбосари З. А. Саидаминовага отаси

Аъзам АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1-«Ўзэлектростройҳ» жумҳуриятстрести жамоаси Намангандаги 11-механизациялашган колонна бошлиғи Ҳ. Тургуновга онаси

Тўхтархон ТУЙЧИБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛО